A — nomidagi O'zbekiston MK

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

17 (501) ● 2018 йил 25 апрель, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ҚАРДОШ ХАЛҚЛАРИМИЗ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 24 апрель куни Хоразм вилоятида бўлди.

Урганч халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Хоразмда ушбу ташрифга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Вилоят кўчалари икки мамлакат давлат байроқлари, ўзбек ва туркман тилларидаги қутлов сўзлари билан безатилди. Кўчаларга чиққан минглаб юртдошларимиз юз-кўзидаги хурсандчилик икки дўст давлатнинг барча соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари янада ривожланиб бораётганидан далолат беради. Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларининг ёрқин истиқболи рамзи сифатида осмонга оппоқ кабутарлар учирилди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тили ва урф-одатлари яқин, маданияти, адабиёти ва санъати уйғун.

Бугунги кунда Хоразм вилоятининг Урганч тумани Ғойбу қишлоғидаги Туркман маҳалласида минглаб туркманлар ўзбеклар билан тинч-тотув, бир оила вакилларидек иноқ яшаб келмоқда. Уларнинг ўз она тилида таълим олиши, урф-одатлари ва анъаналарини ривожлантириши учун барча шароит яратилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу ҳудудда кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Янгиланган лойиҳадаги уй-жойлар, замонавий мактаб, мактабгача таълим муассасалари, болалар мусиқа ва санъат мактаби, оилавий поликлиника бинолари қишлоқ қиёфасини буткул ўзгартириб юборди. Замонавий ва миллий меъморчилик анъаналари асосида "Ўзбек-туркман" дўстлик уйи бунёд этилди.

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимуҳамедов халқларимиз дўстлиги рамзи сифатида барпо этилган ушбу иншоотни бориб кўрди. Бу ерда яратилган шароитлар билан танишди. Бинода туркман, ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарини жамлаган кутубхона, ахборот-ресурс маркази, икки халқнинг кўп асрлик тарихий дўстлигини ифода этувчи музей, турли фан ва санъат тўгараклари хоналари ва қарийб икки юз ўринга эга фаоллар зали жой олган.

2-бет

Депутатлик назорати

МАВЖУД КАМЧИЛИК ВА МАСАЛАЛАР ДЕПУТАТЛАР КЎМАГИДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари ҳар ойда жойларга чиқиб, ҳудудлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганмоқда. Аҳоли билан доимий мулоқот асосида фуқароларнинг уй-жой, коммунал хизмат, бандлик, таълим, тиббиёт, интерактив давлат хизматларини кўрсатиш, банк кредити, тадбиркорлик, транспорт ва йўл қурилиши билан боғлиқ масалалардаги мавжуд муаммолари ўрганилмоқда ва уларни ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов Жиззах вилоятидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар, ЎзМТДП вилоят кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва тегишли мутасаддилар билан биргаликда Зарбдор туманида бўлиб, аҳоли билан мулоқот қилмоқда.

2-бет

Ўзлик ҳақида суҳбат

НАВОИЙНИ АНГЛАШ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ, ДЕМАК

Инсон ақлу заковати бугун коинотни ўрганиш, тадқиқ қилиш даражасига етди. Ердан миллионлаб ёруглик йили узоқликдаги юлдузлар, сайёралар, галактикалар ҳақида аниқ исботланган, далилланган фикрлар билдира оламизу, лекин шундоққина қалбимиз, юрагимизда бўлган ўзлигимизни топишга қийналамиз. Чунки ўзликни ҳамма турлича, ўзининг идроки даражасида тушунади. Демак, биз учун чуқур билим, улкан дунёқараш, илмий ва ҳаётий тажрибага эга бўлган инсонлар суҳбатидан баҳраманд бўлиш ўзлигимизни англаш, кенг идрок этишимизда муҳим аҳамиятга эга. Ўзликни англаш фақат ва фақат эзгу амалларга чорлайди, турли зиддият ва қарама-қаршиликлардан асрайди, ёвузликка қарши курашишга ундайди, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон "Миллик тикланиш" демократик партияси "Миллий тикланиш" газетаси таҳририяти билан ҳамкорликда юртимизнинг жамоат, маданият ва фан арбоблари, олимлар, ёзувчи-ижодкорлар билан "Ўзлик ҳақида суҳбат" лойиҳаси доирасида туркум суҳбатлар ташкил этиб келмоқда. У бугун анъанага айланиб улгурди, кенг жамоатчиликка манзур бўлди, ўқувчилар томонидан эътироф этилди. Билдирилган таклиф, фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда муштарийлар эътиборига яна бир суҳбатни ҳавола қиляпмиз.

Бугунги "Ўзлик ҳақида суҳбат"имиз меҳмони навоийшунос олим, филология фанлари бўйича фалсафа доктори **Олимжон ДАВЛАТОВ.** Суҳбатни таниқли ёзувчи, партиямиз фахрийси **Хуршид ДЎСТМУҲАММАД** олиб борди.

5-бет

Ушбу сонда:

ТЎПҚОПИ — ТУРКИЯ ЖАВОҲИРИ

7-бет

ОТАМЕРОС ҲУНАРДА ҲИКМАТ КЎП

8-бет

Ташаббус натижа берди

ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МИРИШКОР ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш ва уни янги босқичга кўтариш — халқ розилигига эришишнинг муҳим шарти. Шу боис мамлакатимизнинг олис ҳудудларидаги қишлоқ оилавий поликлиникалари, туғруқ комплекслари, мавжуд шифохона ва тиббиёт муассасалари фаолияти тубдан яхшиланиб, тез тиббий ёрдам тизими, кадрлар масаласи, тиббий асбоб-анжом ва жиҳозлар, технологиялар билан таъминланиш борасида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.

Бироқ тизимда йиллар давомида жуда кўп муаммолар тўпланиб қолгани сир эмас. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Миришкор туман кенгаши ва халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи вакилларининг тумандаги ўрганишлари мазкур ҳудудда ҳам бу борада ҳал этилиши зарур бўлган қатор масалалар борлигини кўрсатди. Биргина Миришкор туман марказий шифохонаси ва кўп тармоқли марказий поликлиникасида айни пайтда кардиолог, реаниматолог-анестезиолог, акушер-гинеколог, педиатр, терапевт, психиатр, болалар невропатологи, окулист, уролог, онколог ва эндокринолог сингари мутахассислар етишмайди.

3-бет

Мурожаатлар ижобий ҳал қилинмоқда

ДЕПУТАТ АҲОЛИ МУАММОЛАРИ ЕЧИМИГА КЎМАКЛАШМОҚДА

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш бўйича бошланган амалий ишлар жорий Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида ҳам изчил ва самарали давом этмоқда. Бунинг натижасида одамларнинг қонунларга ҳамда давлат органларига бўлган ишончи мустаҳкамланмоқда. Айниқса, аҳолини қийнаб келаётган тиббий хизмат, коммунал соҳа, йўл қурилиши, электр энергияси ва тоза ичимлик суви таъминоти муаммолари жойида ҳал этилаётгани муҳим аҳамият касб этаётир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 8 августда қабул қилинган "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида жойларда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни комплекс ўрганиш ва ҳал этиш тизими яратилгани ўз самарасини бермоқда.

Ҳар бир сектор ва маҳалла бўйича ишлаб чиқилган "йўл харитаси"га мувофиқ тасдиқланган жадвал бўйича изчил иш олиб борилмоқда. Бугунги кунда секторлар ишчи гуруҳи таълим, маданият, тиббий хизмат, ижтимоий ҳимоя, тадбиркорлик, солиқ, қишлоқ хўжалиги, ободонлаштириш соҳаларида дуч келинаётган муаммолар билан шуғулланмоқда.

3-бет

Робита

МИРЗО БОБУР ВА МУҲАММАД БАЙРАМХОН

ИККИ ХАЛҚ ДЎСТЛИГИНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши "Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш" деб номланади. Бугун мамлакатимизда ушбу йўналишда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Ўзбекистоннинг, айниқса, қўшни мамлакатлар билан муносабатлар ва алоқалар янги босқичга кўтарилаётгани дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бугун Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги дўстлик алоқалари мустаҳкамланди, маънавий-маърифий, сиёсий, иқтисодий ҳамкорлик юқори поғонага кўтарилди.

Бир дарёдан сув ичиб, қўни-қўшни бўлиб яшаб келаётган ўзбек ва туркман халқларининг тили ва урф-одати яқин, маданияти уйғун, адабиёти ва санъати ҳамоҳанг. Бу дўстлик сўнгги йилларда янгича маъно-мазмун касб этаётир. Пойтахтимиз кўчаларидан бирига машҳур туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули номи берилиши ва мазкур кўчада унга бағишлаб ўрнатилган меъморий ёдгорлик, Тошкент шаҳрида Туркманистон манзарасини акс эттирувчи дизайн асосида бунёд этилган Ашхобод сайилгоҳи ҳам икки халқ дўстлигининг ёрқин ифодасидир.

6-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
17 (501) 2018 йил 25 апрель, чоршанба

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ҚАРДОШ ХАЛҚЛАРИМИЗ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Фаоллар залида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Туркманистон — биз учун тарих ва вақт синовидан ўтган, кўп асрлик дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари боғлаб турадиган энг яқин қўшнимиздир. Ҳақиқий дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатлари қандай бўлиши лозимлигини биз бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш учун барча имкониятларни ишга соламиз" ҳамда Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг "Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар — бир-бирини қадрлайдиган ва ҳурмат қиладиган қардош халқлар, меҳрибон қўшниларнинг мулоқотидир. Ушбу мустаҳкам пойдевор асосида биз бундан буён ҳам халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ва қардошлик алоқаларини ривожлантирамиз ва мустаҳкамлаймиз", деган сўзлари битилган.

Бу икки халқ вакиллари, айниқса, ёшлари ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давлат раҳбарлари "Ўзбек-туркман" дўстлик уйи ҳовлисига ўрнатилган туркман халқининг буюк шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий бюсти пойига гул қўйди.

Туркман халқи Алишер Навоий ғазалларини севиб ўқиганидек, ўзбек халқи ҳам Махтумқулини ўз шоиридек ардоқлайди.

Атоқли шоир "Фироғийнинг икки кўзи бор, бири туркман бўлса, бири ўзбегим", дея икки халқ ўртасидаги қардошлик ва дўстликни меҳр билан тараннум этган эди. Бугун ушбу дўстлик анъаналари янги босқичга кўтарилди.

"Ўзбек-туркман" дўстлик уйи, туркман миллатига мансуб юртдошларимиз учун яратилган имкониятлар туркманистонлик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимуҳамедов "Улли ҳовли" ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрдилар.

Ўн еттинчи асрга оид ушбу мажмуада Президентимиз ташаббуси билан кенг кўламли таъмирлаш ва реставрация ишлари амалга оширилди. Бунда бинонинг асл тарихий ҳолатини сақлаб қолишга ҳаракат қилинди. Салкам бир гектар майдонни эгаллаган мазкур обида ҳимоя қўрғони билан ўралган. У бу ерда истиқомат қилган оилалар хавфсизлигини таъминлаган. Бу ерда, шунингдек, туркман халқининг миллий маданиятига тегишли осори-атиқалар бор. Мажмуада сайёҳлик ва зиёрат туризмини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Йигирма ўринли меҳмонхона қурилди. Туркман ўтовлари ўрнатилди.

Сайёҳлар бу ерда тегирмонларда ун ва гуруч тайёрлаш ҳамда улардан турли мазали таомлар пишириш, тандирларда хоразмча ва туркманча нон ва патир ёпиш жараёнининг гувоҳи бўлиши мумкин.

Президентлар қалъада сақланаётган, ўзбек-туркман халқларининг қадимий тарихидан ҳикоя қилувчи нодир экспонатлар билан танишдилар. "Улли ҳовли" мажмуаси отхонасидаги машҳур ахалтеке зотли отларни бориб кўрдилар.

Ўзбек ва туркман мумтоз қўшиқларидан намуналар ижро этилди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида "Ичан қалъа" ҳамда Нуриллабой мажмуасини зиёрат қилди.

Олий мартабали меҳмонга ушбу қадамжолар тарихи, бу ерда сайёҳликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди.

Очиқ осмон остидаги музей деб эътироф этиладиган "Ичан қалъа"да жойлашган Паҳлавон Маҳмуд мақбарасида буюк аждодимиз хотирасига қурён тиловат қилинди.

Президентлар Шерғозихон мадрасасини ҳам кўздан кечирди. Бу масканда таълим олган алломалар шарафига ташкил қилинган музей фаолияти билан танишди. Ушбу мадрасада ўз даврида Махтумқули Фироғий ҳам уч йил таҳсил олган.

Мажмуада шоир шеърларига басталанган мумтоз қўшиқлар ижро этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртимиздаги барча тарихий шаҳарлар қатори Хива шаҳрининг ҳам тарихий-меъморий ва туризм салоҳияти изчил ривожлантирилмоқда. Ҳудуддаги бебаҳо маданий ёдгорликлар асл қиёфасини йўқотмаган ҳолда таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилмоқда.

Хусусан, Нуриллабой тарихий мажмуаси реконструкция ва реставрация қилинди. Ресторан, қабуллар уйи, галерея, амфитеатр барпо этилди.

Бу аждодларимизнинг бой тарихий мероси, маданияти ва санъати намуналарини асраб-авайлаш, халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳиятини дунё жамоатчилигига кенг намоён этишга хизмат қилмоқда.

Туркманистон Президенти аждодларимизнинг бунёдкорлик закоси, улар меросини асраб-авайлаш борасида бугун амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берди.

Куннинг иккинчи ярмида Урганч шаҳридаги Хоразм вилояти мусиқали драма театрида Ўзбекистон — Туркманистон санъат усталарининг концерти намойиш этилди.

Унда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимуҳамедов иштирок этди.

Бу ўзбек ва туркман халқлари маданияти бир-бирига яқинлигининг яна бир намоёни, мамлакатларимизнинг замонавий ва мумтоз санъати билан кенг танишиш учун қулай имконият бўлди.

Шу билан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди.

Урганч халқаро аэропортида Туркманистон Президентини Ўзбекистон Президенти кузатиб қўйди.

Туркманистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи ва унинг доирасида имзоланган ҳужжатлар, бўлиб ўтган маданий тадбирлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик яхши қўшничилик ва қардошлик тамойиллари асосида мустаҳкамланиб бораётганини яққол намоён этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Аҳмаджон ШОКИРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

ИШЧИ ГУРУҲ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича республика ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида қабул қилинган "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари ҳақида"ги қарорнинг ижроси таҳлил қилинди.

Республика ишчи гуруҳи аъзолари ушбу масала бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларини, шунингдек, фуқаролардан келиб тушаётган таклиф ва тавсияларни муҳокама қилдилар.

Ўрганишлар жараёнида аҳолидан бу борада жамоатчилик назоратини ўрнатиш зарурлиги ҳақида асосли таклифлар келиб тушган. Туманларда истиқомат қилувчилар ҳудудларнинг ўзига хос жиҳатларига, тўй-ҳашам ва ош бериш маросимларида иштирок этувчилар сонига, тўй маросимларини ўтказиш вақтида келин-куёвни олиб юрадиган енгил автомашиналар миқдорига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги билдирилди.

Пуллик автотранспорт хизмати лицензияга эга бўлмаган ташувчилар томонидан кўрсатилишига, миллий урф-одат ва анъаналарни менсимаслик, шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчилик ҳолатларига, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига путур етказилишига йўл қўймаслик бўйича талаблар ижро этилишини назорат қилиш зарурлиги таъкидланди. Тўйхоналарнинг инфратузилмасини яхшилаш, масалан, автотранспорт воситаларини сақлаш жойларини барпо этиш, кафе ва ресторанларга яқин ҳудудда яшовчи аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини бузмаслик, овоз даражаси учун қоида ва нормалар белгилаш, санитария-гигиена қоидаларига, озиқ-овқат маҳсулотлари сифат талабларига, хавфсизликка риоя этиш бўйича аҳолидан келиб тушган таклифлар атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишда билдирилган таклифлардан келиб чиқиб, ишчи гуруҳ аъзолари ҳудудларга бириктирилди. Уларнинг зиммасига ҳудудий ишчи гуруҳлар билан биргаликда тегишли ташкилот вакилларини ҳамда маҳалла фаоллари, нуронийлар, ёшлар ва тўйхона эгаларини жалб қилган ҳолда аҳолининг фикр-мулоҳазаларини янада чуқур ўрганиш ва таклифларни муҳокама қилиш, шунингдек, мазкур масаланинг телевидение, радио, ҳудудий босма нашрлар орқали ёритилишини таъминлаш вазифаси топширилди.

Республика ишчи гуруҳи томонидан бу борадаги вазиятни ўрганиш давом эттирилади.

Моҳигул ҚОСИМОВА,
ЎзА мухбири

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4-5 апрель кунлари Россия Федерациясига давлат ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Россия Федерацияси Молия вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган эди. Унга асосан давлат бюджетининг даромад қисмини ижро қилиш, ягона газна ҳисобварағидаги маблағларни бошқариш, давлат молиявий назорати ва аудит, бюджет ижроси жараёнини автоматлаштириш бўйича ҳамкорлик режалаштирилган.

Ўзаро келишувга мувофиқ, Россия Федерацияси Федерал ғазначилиги етакчи бошқармалари раҳбарларидан иборат делегация жорий йилнинг 23 апрель куни Тошкент шаҳрига келди.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳрида вазирликлараро мулоқотлар доирасида ишчи гуруҳларнинг учрашувлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар каби молия соҳаси ривожи, хусусан, давлат бюджетининг даромад қисмини ижро қилишни такомиллаштириш, ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағларни бошқариш, давлат молиявий назорати ва аудит, бюджет ижроси жараёнини автоматлаштириш борасида тажриба алмашишлар муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Жорий йилнинг февраль ойида Ўзбекистон делегацияси Россия Федерациясида бўлган эди. Бундай ҳамкорликлар доирасида ўрганилган тажрибалар натижасида бир қатор меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва янги йўналишларга оид ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилди. Жумладан, ягона ғазна ҳисобварағининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жойлаштиришнинг электрон ахборот тизимлари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда амалга ошириш механизми жорий қилиниши кутилаётгани бунга яққол мисолдир.

— Меморандум ижросига мувофиқ молия ва ғазначилик органлари иш тажрибасини ўрганишга қаратилган учрашув ва суҳбатлар менда катта таассурот қолдирди, — деди Россия Федерацияси Федерал ғазначилиги раҳбари ўринбосари Александр Михайлик. — Икки давлатнинг ушбу йўналишлар бўйича яхши тажрибаси бор. Шу нуқтаи назардан қараганда, бизнинг асосий мақсадимиз ўзбек ва рус ғазначилари ва мутахассисларининг иш тажрибаси билан яқиндан танишиш. Бу тажрибаларни иш жараёнида қўллаш биз учун ҳам ҳар жиҳатдан фойдалидир.

Ташриф доирасида меҳмонлар Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳам бўлади.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎзА мухбири

Депутатлик назорати

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўрганишлар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ишчи гуруҳ аъзолари туман тиббиёт бирлашмаси фаолияти, беморлар учун яратилган шарт-шароит ва қулайликлар билан яқиндан танишди. Ўрганиш жараёнида 130 ўринга мўлжалланган Зарбдор туман тиббиёт бирлашмасида мутахассис кадрлар етишмаслиги маълум бўлди.

МАВЖУД КАМЧИЛИК ВА МАСАЛАЛАР ДЕПУТАТЛАР КЎМАГИДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Бугун муассасада 67 шифокор фаолият олиб бораётган бўлса, шундан 47 нафари нафақа ёшига етган, 12 иш ўрни бўш турибди. Мазкур ҳолатларнинг юзага келиши, аввало, туманда тиббиёт йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари пастлиги билан бевосита боғлиқ. Қолаверса, соҳа бўйича олий таълим муассасаларини тамомлаган мутахассис кадрларнинг кўпчилиги туманга қайтмай, пойтахт ёки вилоят марказида ишлашни афзал кўряпти. Ўрганишлар давомида тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлимида дори-дармон воситалари, шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимида катта ва кичик хирургик жамланмаси, турли ҳажмдаги эндотрахиал трубкалар етишмаслиги аниқланди. Тез тиббий ёрдам бўлимида қўшимча хизмат автомобилига эҳтиёж бор.

Ишчи гуруҳ аъзолари мазкур муаммоларни қайд этиб, уларни бартараф этиш чораларини кўрмоқда. Тиббиёт бирлашмаси вакиллари билан юзма-юз мулоқотда ўртага ташланган яна бир масала — муассаса ҳовлисида беморлар учун махсус кутиш жойлари қуриш бўйича таклифлар ҳам ҳал этиладиган бўлди. Ушбу қўшимча бинолар учун маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилади.

— Парламент аъзоларининг туманимиздаги ўрганишлари ҳудуддаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, аҳолига қулайликлар яратишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди ЎзМТДП Зарбдор туман кенгаши раиси Алишер Мамиров. — Қолаверса, тумандаги партия фаоллари ва депутатларимизнинг шу пайтга қадар ўрганишлари давомида аниқланган масалаларни ҳам парламент аъзолари кўмаги ва иштирокида ҳал этиш имкони пайдо бўлди. ЎзМТДП етакчиси Сарвар Отамуратов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ аъзоларининг дастлаб ҳудудимиздаги тиббиёт муассасалари фаолиятини ўргангани соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга. Зарбдор туман тиббиёт бирлашмаси ва унинг таркибидаги қишлоқ врачлик пункти ҳамда қишлоқ оилавий поликлиникалардаги ўрганишлар мобайнида аниқланган муаммо ва камчиликларнинг аксарияти жойида ижобий ҳал қилинди. Вақт ва ўрганиш талаб этадиган муаммолар тегишли мутасаддилар билан муҳокама қилиниб, келгусида бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди. Масалан, тумандаги 14-сонли қишлоқ оилавий поликлиникаси фаолияти ўрганилганда, кадрлар етишмаслиги, зарур бўлган 26 турдаги дори воситаларининг барчаси ҳам мавжуд эмаслиги аниқланди. Бу борадаги муаммоларга тегишли мутасаддилар эътибори қаратилиб, ҳал этиладиган бўлди.

Ишчи гуруҳ вакиллари туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли қатор таълим-тарбия муассасалари фаолиятини ҳам яқиндан ўрганди. Хусусан, 13-умумтаълим мактаби фаолияти билан танишилганда, мактаб кутубхонаси талаб даражасида эмаслиги аниқланди. Кутубхонада дарслик ва бадиий адабиётлар ниҳоятда кам. Қолаверса, мавжуд китобларнинг электрон вариантини ўқиш учун компьютер воситалари етарли эмас. Мактаб спорт зали инвентарлар билан тўла таъминланмаган. Бу ўқувчиларнинг спорт машғулотлари билан белгиланган тартибда шуғулланиш имкониятини чекламоқда.

Парламент аъзоларининг тумандаги ўрганишлари давомида аниқланаётган бу каби камчилик ва муаммоларни бартараф қилиш масаласи тегишли мутасаддилар иштирокида кўриб чиқилаётир.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шерзод Қулматов партиянинг Сирдарё вилоят кенгаши вакиллари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари билан биргаликда Сирдарё туманида бўлди. Депутат ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Шерзод Нурматов, тумандаги "Илғор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ихтиёр Шаимов, туман ички ишлар бўлими маъсул ходими, подполковник Муҳаммад Қобилов ҳамда ЎзМТДП Сирдарё туман кенгаши раиси Отабек Тўрақулов ҳамроҳлигида "Илғор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги муаммоларни ўрганди. Кам таъминланган ва ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли хонадонларига бориб, улар билан юзма-юз мулоқотда бўлди.

— Ҳудуддаги ўрганишларимиз давомида аҳоли вакиллари билан мулоқот қилиб, уларнинг мурожаатларида кўтарилган масалаларни ҳал этиш чораларини кўряпмиз, — дейди депутат Шерзод Қулматов. — "Илғор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Тўлиной кўчаси 31-уйда истиқомат қилувчи Диляра Пашалиева хонадонида бўлганимизда, унинг оилавий шароити оғирлиги, оила бошлиқларининг ҳар иккиси ҳам касаллиги маълум бўлди. Диляра Пашалиева онкологик касалликдан азият чекмоқда, 2-гуруҳ ногирони. Турмуш ўртоғи Холид Пашалиев эса ошқозонос бези касаллигига чалинган экан. Улар ўзларини даволатиш ва дори-дармон учун моддий томондан қийналиб қолганлигини таъкидлади. Ушбу оилага тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиб, парранда ёки қорамол боқиш, шунинг воситасида оилавий шароитларини яхшилаб олишни таклиф этдик ва зарур ҳуқуқий маслаҳатлар бердик. Бундан ташқари, 54-уйда истиқомат қилувчи Мавлуда Оққўзиеванинг хонадонига ташриф буюрганимизда, оилавий шароити ниҳоятда ночорлигига гувоҳ бўлдик. 53 ёшли Мавлуда опа 5 марта жарроҳлик амалиётини бошидан кечирган. 2010 йилга қадар фуқарога 2-гуруҳ ногирони сифатида пенсия тўланган. Лекин кейинчалик ногиронлик олиб ташланган. Меҳнат қобилиятини йўқотган фуқаро бирор ижтимоий имтиёзга эга бўлмаганлиги сабабли даволанишга қийналиб қолган. У биз билан мулоқотда имкони бўлса, ногиронлик тоифаси белгиланиши ва пенсия тайинланишини сўради. Бу масалани туман тиббиёт бирлашмаси вакиллари билан муҳокама қилиб, ечим топадиган бўлдик.

Депутат Боғичаман кўчасида жойлашган хонадонлардаги ўрганишлар давомида ҳам қатор мурожаатларни тинглади. Жумладан, 66-уйда истиқомат қилувчи 2001 йилда туғилган Зиёд Қурбонов белида чурра (грижа) борлиги, умуртқа қисми емирилиб бораётгани, шу сабабли вилоят шифохонасининг неврология бўлимида даволаниш учун ордер олишда қийналаётганини айтди ва шу масалада ёрдам сўради. Ушбу оиланинг асосий боқувчиси — Зиёднинг акаси, 1993 йилда туғилган Қобил Қурбонов 2012 йилгача Малик агросаноат касб-ҳунар коллежида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича ўқиган. 3-босқични тамомлаш арафасида оиласи моддий жиҳатдан қийналиб қолганлиги сабабли Россия Федерациясига ишлаш мақсадида кетган. Шу боис коллеждаги ўқиши тугалланмай қолган. Чет мамлакатдан қайтган Қобил Қурбонов ҳозирда ёлланма ишлар билан шуғулланмоқда. У юзма-юз мулоқотда агар ўзи тамомлаган коллеждан дипломини олса, мутахассислиги бўйича ишлаш истаги борлигини билдирди.

Шу маҳаллада яшовчи яна бир фуқаро — 60 ёшли Туҳфаниса Қирғизбоева 2-гуруҳ ногирони, 10 йилдан буён унинг иккала кўзи ҳам кўрмай қолган. Фуқаро депутат билан мулоқот чоғида ногиронлик тоифасини 1-гуруҳга ўтказишни ва унинг парвариши билан шуғулланаётган келини Дилфуза Қирғизбоевага меҳнат стажи ёзилишини сўраб мурожаат қилди.

Фуқароларнинг юзма-юз мулоқотлар давомидаги бу каби мурожаатларини ҳал этиш юзасидан айни пайтда тегишли мутасаддилар билан ҳамкороликдаги саъй-ҳаракатлар давом эттирилмоқда.

"Илғор" маҳалла фуқаролар йиғини Тўлиной ва Боғичаман кўчаларида 2014 йилда янги симёғочлар ўрнатилган, 2016 йили сим тортилган. Энди эса эски симёғочларни олиб ташлаш зарур. Аммо мазкур ҳудуддаги хонадонлар янги линияга ҳамон уланмаган. Эски симёғочлар олиб ташланса, аҳоли электр энергиясидан бебаҳра қолади. Шунингдек, Тўлиной кўчасининг бир километр ҳудудини ва Боғичаман кўчасини тўлиқ таъмирлаб, асфальт қилиш зарурати мавжуд. Бир гуруҳ аҳоли вакилларининг бу борадаги мурожаатлари ҳам депутат томонидан инобатга олинди ва тегишли мутасаддилар кўриб чиқилиб, ҳал этиладиган бўлди.

ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг ҳудудлардаги фаолияти, аҳоли билан учрашувлари давом этмоқда.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ташаббус натижа берди

ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МИРИШКОР ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Қишлоқ оилавий поликлиникаларида ҳам шундай муаммога дуч келиш мумкин. Аксарият қишлоқ оилавий поликлиникаларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, керакли тиббиёт асбоб-анжомлари ва жиҳозлар билан таъминлаш лозим.

ЎзМТДП гуруҳининг ўрганиш якунлари халқ депутатлари Миришкор туман Кенгаши сессиясида муҳокама этилди. Сессияда туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Илҳом Шароповнинг "Миришкор туманида аҳолига тиббий-санитария хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳволи тўғрисида"ги ҳисоботи эшитилди. Таъкидланганидек, юртимизда барча соҳа қатори аҳоли саломатлигини таъминлаш, тиббиёт муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги эзгу ишлар янги босқичда давом эттирилмоқда. Шунга қарамай, тизимда ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам бир талай. Хусусан, туманда соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар натижасини қониқарли ва етарли даражада деб бўлмайди. Қишлоқ оилавий поликлиникаларида малакали шифокорларга эҳтиёж бор, айрим ҳолларда тез тиббий ёрдам йўналишида учраётган камчиликлар аҳоли эътирозига сабаб бўлмоқда. Тумандаги тиббиёт муассасалари, айниқса, Чандир, Махтумқули, Обод, Ширин қишлоқ оилавий поликлиникалари фаолиятини ҳар жиҳатдан тартибга солиш, улар фаолиятини қайта кўриб чиқиш лозим.

Партия гуруҳининг ўрганишлари ва тиббиёт бирлашмаси раҳбариятининг ахбороти қизғин баҳс-мунозара ва таклиф-мулоҳазаларга сабаб бўлди. Мазкур йўналишдаги ишлар таҳлилидан сўнг ЎзМТДП гуруҳининг Миришкор туманида тиббиёт соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида олиб чиққан ташаббус-масаласи асосида сессия қарор қабул қилди. Унга кўра, туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари зиммасига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, тиббий хизматлар сифатини ошириш вазифаси юклатилди. Туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарига туман тиббиёт бирлашмасига оид назорат ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ахборот ва тушунтириш материалларини нашр эттириш орқали ҳудудларда зарур профилактика ишлари олиб борилишига кўмаклашиш, соҳага доир қонун ҳужжатлари ижросини назоратга олиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, тиббий ёрдам соҳасига юқори технология ва замонавий илм-фан ютуқларини жорий этиш чораларини кўриш вазифаси топширилди.

Кенгаш сессияси қарорида туман тиббиёт бирлашмаси кадрларини маҳаллий мутахассислар ҳисобига тўлдириш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини ҳисобга олган ҳолда кўрсатилаётган тиббий хизматларга таърифларни қайта кўриб чиқиш масалалари ҳам акс этди. Унда аҳоли, биринчи навбатда, болалар ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг тиббий маданиятини ошириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш масаласига ҳам алоҳида этибор қаратилган. Зеро, ёш авлод саломатлигига эътибор натижасида соғлом ва баркамол авлод вояга етади, юртимиз учун муносиб ўғил-қизлар униб ўсади.

Шунингдек, қарорда қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, профилактика, диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш, ихтисослаштирилган тиббий хизматлардан ҳамда юқори технологик тиббий ёрдамдан фойдаланишга муҳтож беморларнинг электрон маълумотлар базасини шакллантириш ва доимий янгилаб бориш, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, патронаж ҳамширалар фаолиятини такомиллаштириш, тез тиббий ёрдам самарадорлигини яхшилаш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топди.

Соғлом онадан соғлом бола дунёга келади. Бу борада, энг аввало, яхши шарт-шароит яратиш асосий вазифа саналади. Шундан келиб чиққан ҳолда қарорда кўзда тутилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, ҳомиладор аёлларга кўрсатилаётган перинатал хизматни такомиллаштириш, оналар, гўдаклар ва болалар ўлимини камайтириш, туғма нуқсонли ва наслий касалликлар билан туғилишлар, аёллар ўртасида онкологик касалликларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволаш мақсадида аёллар тиббий кўригини тўлақонли даражада ташкил этиш тизимини жорий қилиш борасидаги вазифалар долзарб аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоиз, туманда фуқароларнинг тиббий маданиятини ошириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Партия фаоллари соҳа мутасаддилари билан бирга маҳалла ва таълим муассасалари, хизмат кўрсатиш объектларида бўлиб, аҳолини тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишлардан хабардор этиб бормоқда.

Туманда тиббиёт соҳасини такомиллаштиришга доир ушбу қарор ижроси миришкорликларнинг саломатлиги, соғлиги ва келгуси истиқболи йўлидаги муҳим қадам бўлди. Партия гуруҳи аъзолари мазкур қарор ижросини мунтазам ўрганиб бормоқда.

Нодирбек НОСИРОВ,
халқ депутатлари туман Кенгашидаги
ЎзМТДП гуруҳи раҳбари:

— Партия гуруҳимизнинг ушбу ташаббус-масаласи асосида қабул қилинган қарорнинг ўтган даврдаги ижросини ўрганиш мақсадида Миришкор туман тиббиёт бирлашмасига депутатлик сўрови билан мурожаат қилдик. Қисқа муддат ичида қатор ишлар олиб борилгани маълум бўлди. Туман аҳолисининг саломатлигини яхшилаш, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, патронаж ҳамширалар хизматини такомиллаштириш, тез тиббий ёрдам самарадорлигини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Тиббиёт муассасалари ҳудудида ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари амалга оширилиб, беморлар дам олиш, фуқаролар кутиш жойлари ташкил этилди.

Соҳадаги кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, тиббиёт ходимларининг касбий нуфузини ошириш, тиббиёт муассасаларини малакали кадрлар билан тўлдириш, юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш борасида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман ҳокимлиги ва соҳа мутахассислари билан биргаликда режали ишлар амалга оширилиб, ижобий натижаларга эришилди. Аҳоли талабини инобатга олган ҳолда 23 ногиронлик аравачаси, 4 эшитиш мосламаси, 19 ҳасса, 6 қўлтиқтаёқ, 24 протез талони, 8 нафар ногиронлиги бўлган инсонларга озиқ-овқат ва гигиена талаблари учун зарур маблағлар ажратилди.

Болалар реанимация хизматини яхшилаш мақсадида 5 ўринли болалар реанимация бўлими, юрак қон томир, неврологик, эндокрин касалликларга қарши юқори технологик тиббий ёрдам олиш учун тумандан пойтахтга бориш аҳоли томонидан эътирозларга сабаб бўлаётганлиги инобатга олиниб, ички касалликлар таркибида қўшимча 15 ўрин ҳамда болалар бўлимига чақалоқларни даволаш учун қўшимча 5 ўрин ташкил этишга эришилди.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши
бош мутахассиси

Мурожаатлар ижобий ҳал қилинмоқда

ДЕПУТАТ АҲОЛИ МУАММОЛАРИ ЕЧИМИГА КЎМАКЛАШМОҚДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Шу билан бирга, аҳолини иш билан таъминлаш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари уйма-уй юриб ўтказилаётган мулоқотларда муҳокама этилаётгани яхши самара бераётир. Бу жараёнда халқ депутатлари Навоий вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутатлар ҳам фаол иштирок этмоқда.

Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати, Кенгашнинг Ижтимоий-маданий ривожлантириш, ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари доимий комиссияси раҳбари Бахтиёр Бозоров 1-сектор ҳудудидаги "Кумушкон" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, бу ерда "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарори ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар билан танишди. Ўрганиш жараёнида фуқаролар ўзларини қийнаётган муаммолар билан мурожаат қилди. Жумладан, 9 нафар фуқаро бандлик, 35 нафар фуқаро томорқани суғориш учун сув масаласини ҳал қилиш, 2 нафар фуқаро ногиронликни белгилаш, 2 нафар фуқаро ижтимоий ҳимояга муҳтож оила рўйхатига киритиш масаласида амалий ёрдам сўраган. Шунингдек, ҳудудда мактабгача таълим муассасаси ва мактаб, дорихона қурилиши, мавжуд йўлларга асфальт ётқизиш, йўловчи ташиш учун транспортлар сонини кўпайтириш борасида ҳам мурожаатлар бўлган. Мазкур мурожаатлар ўрганилиб, уларни ижобий ҳал қилиш мақсадида, тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилди.

— Шу йилнинг ўтган даври мобайнида Кумушкон маҳалласида истиқомат қилувчи мингдан ортиқ туғиш ёшидаги аёлларнинг 810 нафари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди, — дейди Бахтиёр Бозоров. — Уларнинг 28 нафарида терапевтик, 4 нафарида эндокринологик, 9 нафарида лор, 21 нафарида хирургик касалликлар, 200 дан зиёдида бошқа хасталиклар аниқланди. Бу бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, ушбу фуқароларнинг аниқланган касалликлардан фориғ бўлиши учун тегишли ихтисосликдаги шифокорларга йўналтирилди ва соғломлаштириш ишлари олиб борилди. 2 нафар бемор туман шифохонасида, 59 нафар бемор амбулатор-стационар шароитида даволаниб, соғломлаштирилди.

1992 йилда туғилган фуқаро Зумрад Исоқова Кумушкон маҳалласидаги Ипак йўли кўчаси 55-уйда яшайди. Уй бекаси. Оилада 4 киши истиқомат қилади.

— Қизим Ширинабону Вафоева 2016 йилда туғилган, — дейди Зумрадхон. — Унга республика болалар шифохонаси мутахассислари томонидан марказий нерв тизимида перинатал минимал шикастланиши ташхиси қўйилган эди. Яқинда туман тиббиёт бирлашмаси болалар бўлимида тиббий кўрикдан ўтиб, шифокорлар томонидан тегишли тавсиялар берилди. Патронаж хизмати тиббий ходимига қизимнинг соғлиғини доимий назорат қилиш бўйича қўшимча кўрсатмалар берилди. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан миннатдормиз.

Шунингдек, маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг томорқадан фойдаланиш аҳволи ҳам ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида 17 хонадон эгаларининг ер участкаларидан унумли фойдаланмаётганлиги аниқланди. Бу хонадонларда тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди ва бундай саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётир. Ўзгаришларни маҳалла аҳолиси томорқада ҳар қачонгидан фаол ишлаётганида ҳам кўриш мумкин.

Депутатларнинг аҳоли билан учрашувлари, ҳудудлардаги муаммоларни ўрганиш ишлари изчил давом этмоқда. Муҳими, бу саъй-ҳаракатлар инсон манфаатларига, уларнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилаётир.

Абдували БЎРИЕВ,
ЎзМТДП Навоий вилоят
кенгаши етакчи мутахассиси

Муаммо билан юзма-юз

Мамлакатимизда халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган изчил ислоҳотлар жараёнида депутатларнинг аҳоли билан мунтазам мулоқотда бўлиб, уларнинг ўй-ташвишлари, орзу-интилишлари билан яқиндан танишиши, муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиши ўзи сайланган ҳудуд фуқароларининг ишончини оқлашда асосий мезон бўлмоқда.

ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

БУНИНГ УЧУН АҲОЛИ БИЛАН МУНТАЗАМ МУЛОҚОТ ВА ЯҚИН ҲАМКОРЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Айни пайтда Тошкент шаҳридаги 11 туманнинг 10 тасида партиянинг депутатлик гуруҳи фаолият олиб бормоқда. ЎзМТДПдан сайланган 54 депутат пойтахт туманларида кечаётган ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиб, партия дастурий вазифалари ижросини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда ўз ҳиссасини қўшишга интилмоқда.

Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашидаги партия гуруҳи ҳам ўз фаолияти давомида электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, сайловчилар ишончини оқлаш борасида муайян чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Партия туман кенгаши ҳамда гуруҳ аъзолари аҳоли билан мулоқот қилиб, ҳудуддаги кўплаб муаммоларни бартараф этишга кўмаклашмоқда. Аҳоли мурожаатлари асосида мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юбориб, халқ манфаатини таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

ЎзМТДП аъзоси Илёс Абдумажидов — 20-Хирмонтепа сайлов округидан халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига сайланган депутатлардан бири. У партиянинг "Депутат билан юзма-юз", "Уйма-уй" лойиҳаларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Аҳоли билан учрашувлар давомида 21-мавзеда жойлашган "Бирлик" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисининг мурожаатларини атрофлича ўрганди. Мурожаатлар асосан кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаклари ва томларини таъмирлаш, ертўласини тозалаш, болалар майдончаларини қуриш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, ҳудудни ободонлаштириш масалаларига қаратилди.

Натижа ҳам шунга яраша. Жумладан, кўпқаватли 5-уйда яшовчи фуқаролар мурожаатига кўра, уйнинг қувурлар тизимидаги носозлик депутат кўмаги ҳамда мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида бартараф этилди. 34-уйда яшовчи фуқаро Шоҳида Нурматова ёғингарчилик кунларида уйининг томидан чакка ўтаётгани, таъмирлаш учун "қўли калталик" қилаётганини айтиб, амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган. Депутат ҳомийлик асосида ушбу масалага ижобий ечим топишга кўмаклашди.

Мазкур ҳудуддаги 9-уйда яшовчи Марина Ефименко уй олдида болалар майдончаси қуришда амалий ёрдам сўради. Мурожаат юзасидан депутат туман ҳокимлигига ёзма мурожаат йўллаб, масалани ижобий ҳал қилишга эришди. Айни пайтда болалар майдончасининг қурилиш ишлари бошланиш арафасида.

— Аввал қаровсиз ётган ерда мурожаатимиздан оз фурсат ўтиб болалар ўйин ва спорт майдончаси қурилиши бошланаётгани барчамизни, айниқса, болажонларни жуда хурсанд қилди, — дейди Марина Ефименко. — Энди аҳоли ҳам яратилаётган шароитларни асрабавайлаб, болалар майдончасининг узоқ йиллар мобайнида фарзандларимизга хизмат қилишини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади, деб ишонам.

Депутат билан юзма-юз мулоқот чоғида 21-уйда яшовчи фуқаролар уйнинг ертўласини дезинфекция қилишда кўмак сўради. Учтепа туман давлат санитария-эпидемиология назорати марказига йўлланган мурожаат натижасида нафақат дезинфекция ишлари амалга оширилиб, уй ертўласи тозаланди, балки бевосита депутат саъй-ҳаракати билан маҳалла ҳудудидаги кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаги, том қисмлари ҳам таъмирланди.

— Мактабимизнинг футбол майдони таъмирталаб аҳволга келиб қолган эди, — дейди ҳудуддаги 238-умумтаълим мактаби директори Саодат Маликова. — Майдончани таъмирлаш масаласида депутатга мурожаат қилдик. Футбол майдони депутат ёрдами билан ҳомийлик асосида таъмирланди. Бундан ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар — барчамиз миннатдормиз.

— Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, асосий мақсадимиз — халқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборат, — дейди халқ депутатлари Учтепа туман кенгаши депутати Илёс Абдумажидов. — Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари ташкил этилгани бу борада катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу орқали биз ҳар бир фуқаро билан бевосита мулоқотга киришяпмиз, мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларни зудлик билан ҳал қилишга бел боғлаганмиз. Бу йўлда эришган натижаларимиз бизга куч бағишлайди, ўз навбатида, масъулият ҳам юклайди.

Бугунги давр ҳар бир депутатдан инсон манфаатлари, аҳоли фаровонлигини таъминлашда халқ билан мунтазам мулоқот қилиш, уларнинг орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яқиндан билишни тақозо етмоқда. Зеро, депутат аҳоли билан қанчалик яқин бўлса, уларни қийнаётган муаммолар шунча тез ҳал этилади. Халқ манфаатини таъминлашга бор куч-имконияти билан ҳаракат қилаётган депутатнинг журъати, қатъияти уни амалий ишларга, ташаббускорликка, янгидан-янги ғоялар рўёбига хизмат қилишга ундайди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутатлик сўрови — халқ сўрови

ИНСОН МАНФААТИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ ПАРТИЯ ГУРУҲИ ШУ ТАМОЙИЛ АСОСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА

Адолат ва қонунийлик — халқ ва мамлакат ҳотиржамлигининг асоси. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан асосий мақсад — жамиятимизда тинчлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш, одамларни, халқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборат. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳи аъзолари фаолияти ҳам ана шундай мақсадга қаратилган.

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари шу йилнинг биринчи чораги давомида жами 226 депутатлик сўровини амалга ошириб. Уларнинг аксарияти аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш соҳалари, ижтимоий инфратузилма объектлари ва банклар фаолияти билан боғлиқ муаммолардан иборат. Аҳамиятлиси, мазкур депутатлик сўровларининг 66 фоизи ижобий ҳал этилган, қолган 28 фоизи юзасидан депутатлик назорати ўрнатилган.

Масалан, Мирзаобод туманидаги "Ойдин" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисининг ички йўлларни таъмирлашда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати юзасидан халқ депутатлари Мирзаобод туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари туман Ободонлаштириш бошқармасига депутатлик сўрови юборган. Бунинг натижасида, мазкур маҳалладаги ички йўлларни таъмирлаш 2018 йил ҳудудларни ривожлантириш бўйича маҳаллий дастурга киритилди.

Сирдарё туманидаги "Фаровон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Жамила Эрмуҳаммедованинг тумандан шаҳар марказига автобуслар қатновини доимий йўлга қўйишда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати юзасидан туман "Автобус саройи" масъулияти чекланган жамиятига юборилган депутатлик сўрови ҳам ижобий ечим топди. Аҳолининг оғирини енгил қилиш мақсадида мунтазам автобус қатнови йўлга қўйилди.

Фаровон маҳалласида истиқомат қилувчи яна бир фуқаро Гулнора Нурсаидованинг, Янги аср кўчасига туташ йўлларни таъмирлаш ишлари якунига етказилмагани, уни тугаллашда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати юзасидан "Сирдарё туман йўллардан фойдаланиш" унитар корхонасига депутатлик сўрови юборилди. Шундан сўнг, мазкур ҳудуд йўлларини таъмирлаш ишлари якунига етказилди. Айни пайтда ҳудуд аҳолиси депутатлар ҳамда мутасадди ташкилот ходимларидан миннатдор. Гарчи қилинган ишлар салмоғи ҳали у қадар катта бўлмаса-да, партия ташкилотлари ва депутатларни қишлоқ маҳаллага, оилаларга, ҳар бир инсонга яқинлаштираётган ушбу тизим аҳоли билан ҳамнафас бўлиш, эзгу мақсадлар йўлида ҳамжиҳатликда иш юритишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сайхунобод тумани "Турон" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқароларнинг туман партия ташкилотига йўллаган мурожаатида ҳудуднинг Навбаҳор, Гулзор, Ғафур Ғулом кўчалари қишда лой, ёзда чанг бўлиб, аҳоли қатнови учун ноқулайлик туғдираётгани баён этилган. Фуқароларнинг мазкур кўчаларга шағал тўкишда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаатига кўра партиядан туман Кенгашига сайланган депутатлар туман Ободонлаштириш бошқармасига депутатлик сўрови юборди. Натижада, мазкур кўчаларга шағал тўкиб текисланиб, аҳолига қулайлик яратилди.

"Чинобод" пости ҳудудига пиёдалар ўтадиган йўлак, светофор ва кузатув камералари ўрнатилишида амалий ёрдам сўраган фуқароларнинг мурожаати асосида вилоят Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси ҳамда вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига депутатлик сўрови юборилди. Мазкур депутатлик сўрови ҳам тез фурсатда ижобий ҳал этилди.

Аҳоли мурожаатларининг аксарияти соғлиқни сақлаш соҳасига тегишли бўлиб, бу ҳудудларда тиббий хизмат сифатини янада яхшилашни тақозо этади. Жумладан, Мирзаобод тумани Ойдин маҳалласи фуқаролари аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қониқарли даражада эмаслиги юзасидан мурожаат қилган. Мазкур мурожаат юзасидан партия гуруҳи аъзолари туман тиббиёт бирлашмасига депутатлик сўрови юборди. Унга жавобан ҳудудда тиббий назорат кучайтирилгани билдирилди.

Жорий йилнинг ўтган чораги давомида Сирдарё вилоятидаги ЎзМТДП ташкилотларига аҳолидан бандлик соҳаси бўйича 36 мурожаат келиб тушган. Улар асосида вилоят меҳнат ва бандликка кўмаклашиш бошқармаси ҳамда туман бўлимларига депутатлик сўровлари юборилди. Жумладан, Янгиер шаҳар Маърифат маҳалласи Талабалар кўчаси 13-уй 20-хонадонда яшовчи фуқаро Феруза Маҳмудова иш топишда амалий ёрдам сўраб партия ташкилотига мурожаат қилган. Мурожаат асосида халқ депутатлари шаҳар Кенгашига партиядан сайланган депутат Инобат Обидова Янгиер шаҳар меҳнат ва бандликка кўмаклашиш бўлимига депутатлик сўрови юборди. Натижа узоқ куттирмади. Фуқаро Янгиер шаҳрида жойлашган "Шипа текс" хусусий корхонасига тикувчиликка ишга қабул қилинди.

Бундай мисолларни яна кўп келтириш мумкин. Аммо шу ўринда бир нарсани афсус билан таъкидлаш лозимки, юборилган депутатлик сўровларининг ҳаммасига ҳам ўз вақтида жавоб олинмаяпти. Масалан, ўтган уч ой давомида вилоятда 13 депутатлик сўровига баъзи мутасаддиларнинг эътиборсизлиги ва лоқайдлиги туфайли жавоб қайтарилмаган. Мазкур 13 сўров ортида 13 инсон ёки оиланинг тақдири борлигини унутмаслик лозим. Зеро, юртимизда олиб борилаётган барча ислоҳот, амалга оширилаётган ишлар инсон манфаатлари, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларига қаратилган. Камчилик ва хатоларни тўғрилашга, уларни бартараф этишга қанча кўп интилсак, халқнинг давлат идораларига бўлган ишончи янада ортиши шубҳасиз.

Нурбек ЙЎЛДОШЕВ

Тарғибот

ИХЧАМ ТЎЙЛАР — ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК ОМИЛИ

Оила — жамиятнинг мўъжаз кўриниши. Қолаверса, унинг муқаддас кўргон сифатида таърифланиши замирида ҳам улкан маъно-мазмун мужассам. Одатда инсон қалбан иқрор бўлиб, унга сўзсиз амал қиладиган нарсани муқаддас санаймиз. Оила ҳам икки кишининг иқрори асосида пайдо бўладиган илоҳий қўргондир. Бу икки устун бир-бирисиз мавжуд бўлолмайди, бири иккинчисини тўлдирадиган, ҳимоя қиладиган ва эъзозлайдиган жуфтликдир.

Аммо ана шу жуфтликнинг арзимас сабаблар билан ажрашаётгани, бунинг оқибатида мурғак норасидалар етим қолаётгани ҳам сир эмас. Бундай ҳолат, айниқса, пойтахтимизда кўп қайд этилаётгани ташвишланарлидир. Бунда, албатта, ёшларнинг никоҳ, оила аталмиш улуғ ва илоҳий тушунчалардан яхши хабардор эмаслиги, тўй, оилавий тадбирларнинг кундан-кун дабдабали тус олаётгани асосий сабаб бўлмоқда.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари Яшнобод туман Кенгашидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси гуруҳи ҳамда туман фуқаролик далолатномасини ёзиш бўлими ҳамкорлигида оила қуриш арафасидаги ёшлар иштирокида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда туман фуқаролик далолатномасини ёзиш бўлимига ариза билан мурожаат этган 16 нафар ёш, ҳуқуқшунослар, диний-маърифий соҳа ходимлари иштирок этди.

Тадбирда асосий эътибор жамиятнинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган дабдабали тўй маросимлари, оилавий тадбирлар ва маъракаларни ўтказишни тартибга солиш, номақбул ҳолатлар ва исрофгарчиликларнинг олдини олиш масалаларига қаратилди. Бунда жамоатчилик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг таъсири масалалари кенг муҳокама қилинди.

— Тўй энг яхши байрамларимиздан саналиб, ота-оналар орзусининг рўёбидир, — дейди халқ депутатлари Яшнобод туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, туман фуқаролик далолатномасини ёзиш бўлими мудираси Зулайҳо Камолхўжаева. — Халқимиз азалдан фарзандларининг камоли, бахту иқболини кўришдек эзгу ният билан яшайди. Икки ёшнинг оила деб аталмиш муқаддас қўрғонни барпо этишга аҳд қилгани тўй-томоша, шоду хуррамлик, хурсандлик билан нишонланган. Зеро, ҳар бир янги оила — жамиятнинг бир муҳим бўғини. Ёшларни оила қуришга тайёрлаш масаласи Президентимизнинг "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида назарда тутилган ва бу борада фармон талаби бўйича амалдаги оила қонунчилиги такомиллаштирилаётгани ҳам айни муддао.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, Оила кодексида эр-хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари, она-она сифатида уларнинг вояга етмаган фарзандлари олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонуний мустаҳкамланган. Ёшларни оила қуришга тайёрлашда ушбу масалага эътибор қаратиш, уларнинг бир-бири олдидаги, бўлажак фарзандлари олдидаги масъулият ва бурчлари нимадан иборат эканини қонун асосида тушунтириш ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Бироқ, таассуфки, аксарият оила қуриш ниятида бўлган ёшларимиз амалдаги оила қонунчилиги талабларини билмаслиги ва никоҳга кирувчиларга қонун асосида берилган ҳуқуқий имкониятлар, оила билан боғлиқ мажбуриятлар, эр ва хотин зиммасидаги вазифалар борасида етарлича тушунча ва укувга эга эмас. Булар оилалар ўртасидаги ажрашишлар, оилавий низоларнинг асосий сабабларидан бири саналади. Фарзандни мустақил ҳаётга қадам қўйишидан олдин шунга муносиб равишда тайёрлаш, қизни касб-ҳунарли, керак бўлса, олий маълумотли қилиб турмушга узатиш, ўғилни бир ишнинг бошини тутиб, рўзғор тебратишга тайёр бўлганидан сўнг уйлантириш эзгу орзу-мақсадларга етишнинг бирламчи қадамларидандир.

Юртимизда барча хайрли ишлар, эзгу амаллар, аввало, оилаларнинг фаровонлиги, тотувлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда уларнинг ёруғ келажагини таъминлаш мақсадида амалга оширилиб келинмоқда. Бироқ тажриба шуни кўрсатмоқдаки, тўй-ҳашам, маърака ва бошқа маросимлардаги сарф-харажатларни қисқартириш мақсадида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар билан кутилган натижага эришилмаяпти. Сўнгги йилларда юзага келган вазиятни эътиборга олган ҳолда диний уламолар, имом-хатиблар аҳоли орасида маросимларда исрофгарчиликка йўл қўйиб бўлмаслиги, ислом динида тўйлар ва маъракаларда катта сарф-харажатлар оқланмаслиги ҳақида тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

— Никоҳ — бу нафақат икки ёшнинг бахт маросими, балки жамиятда янги оила қурилганидан дарак, — деди Яшнабод туманидаги Ислом ота жоме масжиди имом хатиби Фазлиддин Ҳусанов. — Бинобарин, оилани муқаддас билиб, уни асраш, келажак учун қайғуриш барчамизнинг муҳим вазифамиздир. Бу риштанинг қанчалик мустаҳкам бўлиши, албатта, аввало ёшларнинг ўзларига боғлиқ. Туманимизда 57 та маҳалла бор, табиийки, никоҳ ўқиш маросимларида иштирок этамиз. Ана шу жараёнда оила қуриш ниятида бўлган ёшларнинг аксарияти ҳали оила масъулиятини елкасига тўла ололмаслиги ёхуд бу ҳақда тугал тушунча ва тасаввурга эга эмаслиги, оилага доир оддий исломий қоидалардан бехабар эканлигига гувоҳ бўляпмиз. Бугунги тадбирда айни шу жиҳатларга эътибор қаратилаётгани эътиборга молик. Шу мақсадда ҳар бир маҳаллада маҳалла раислари, нуронийлар билан бирга аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини мунтазам олиб бормоқдамиз. Шукроналик, қаноат инсонга зийнат, обрў-эътибор келтирувчи фазилат экани тўй эгаларига батафсил тушунтирилмоқда.

Тадбирда оилаларни мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олиш, оилаларнинг ижтимоий-маънавий ва моддий ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётган, гоҳида ажримгача олиб келаётган дабдабали тўй-ҳашамлар ва бошқа оилавий маросимлардаги исрофгарчиликларга чек қўйиш, уларни ихчамлаштириш, қайнона-келин ўртасидаги ижобий муносабатлар юзасидан фикр алмашилди. Бу борада ишлаб чиқиладиган таъсирчан чора-тадбирлар, амалга ошириладиган янги ташаббуслар жамиятимиз равнақига, оилалар тотувлиги ва ёшларимиз бахт-саодатига хизмат қилиши таъкидланди.

— Тўйларнинг ихчам ва камхарж қилиб ўтказилиши биз ёшлар учун ҳам айни муддао, — дейди катта ҳаёт остонасида турган ёшлардан бири Умид Қобилжонов. — Айниқса, никоҳ тўйларида ўзимиз ўйлаб топган турли расм-русумлардан аксарият юртдошларимиз оғринаётган эди. Албатта, тўй дастурхонларининг тўкин-сочинлиги аҳолининг турмуш даражаси тобора яхшиланиб бораётганидан ҳам далолат. Аммо исрофгарчилик, увол ёмон. Агар камхарж, ихчам тўйлар ҳақида одамларнинг ўзида тўғри, онгли муносабат шаклланса, дейлик, ҳар икки томон ўзаро келишиб тўйларни камчиқим, замонавий қилиб ўтказса, ҳеч қандай гапсўз, муаммога ҳожат қолмайди. Лекин айни пайтда бошқа бир муаммога дуч келяпмиз. Куни-кеча тўйхонага 150 кишилик жой учун буюртма берганн борсак, унинг маъмурияти бизга 300 кишилик одамнинг харажатини тўлашимиз кераклигини айтди. Назаримда зудлик билан ана шу муаммога ҳам ечим топиш керак. Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича республика ишчи гуруҳи мана шу жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратса, нур устига нур бўларди.

Амалий фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ўртага ташланган тадбирда жамоатчилик таъсирининг самарали воситаларини ишлаб чиқиш зарурлиги борасида ягона фикрга келинди.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ШИРИН ТАШВИШНИНГ АЧЧИҚ ХУЛОСАСИ

Бугунги кунда юртимизда тўй-ҳашам, оилавий тантана ва маросимларни камхарж ва рисоладагидай ўтказиш, дабдабаю асъасаларнинг олдини олиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, уларда исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ортиқча, кераксиз удумлардан воз кечиш зарурлиги аҳоли вакилларига тушунтирилмоқда. Мусобақалашиш кўринишигача бориб етаётган тўй-ҳашамлардаги дабдабалар оилаларнинг нафақат иқтисодий аҳволи, балки бутун ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатаётгани айни ҳақиқат. Бугун ҳаётимизда кўпайиб бораётган ёш оилалардаги низоли вазиятлар, ажралишлар, қудалар ўртасидаги совуқчилик сабаблари ҳам аксарият ҳолларда худди шу нарсага бориб тақалаётгани сир эмас.

Тўй-маъракаларни ихчамлаштиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ва вакиллари ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Яқинда ЎзМТДП Бухоро вилоят ва Ғиждувон туман кенгашлари ташаббуси билан ташкил этилган давра суҳбатида ҳам тўй-ҳашам, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни тартибга солиш ҳамда ихчам ва миллий қадриятлар асосида ўтказиш хусусида сўз борди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят ва туман кенгашлари, туман хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар бўлими, "Нуроний" жамғармаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлимлари, ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда партия вакиллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ёшлар, маҳалла фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, ЎзМТДП ташкилотларида партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, тўй ва маросимлардаги дабдабабозликнинг олдини олишга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар белгилаб олинди, амалга оширилаётган ишларни ўрганиш юзасидан концепция ишлаб чиқилди. Ушбу давра суҳбати ҳам тўйларни белгиланган талаблар асосида ўтказиш, дабдабали тўй ва менталитетимизга ёт бўлган турли тадбирларга кетадиган харажатларни ёш оилани мустаҳкамлашга йўналтириш бўйича ёшларга тушунча бериш мақсадига қаратилди.

— Тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ихчам ўтказиш, ёшлар тарбияси ва уларнинг жамият ҳаётида ўз ўрнига эга бўлишида ота-она ҳамда маҳалла-кўйнинг масъулиятини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаси саналади, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Дилфуза Омонова. — Бир кунлик тўй ва ундан кейинги маросимлар учун қанчадан-қанча оилалар қарз ботқоғига ботиб қолаётгани, кўп ҳолларда турли дилхиралик ва жанжаллар исканжасида қолган ёш оиланинг парокандаликка юз тутаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Шундай экан, ўтказиладиган тўй, маросим, оилавий тадбирларни ихчамлаштириш, ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятимизни кучайтириш, депутатлик назоратини мунтазам амалга оширишимиз лозим. Зеро, партиямиз тўй маросимларини дабдабали қилиб ўтказиш ва исрофгарчиликка асосланган бошқа тадбирларга барҳам беришга қаратилган ишларда фаол иштирок этишни ўз олдига мақсад қилиб олган. Ушбу устувор вазифалар ҳар бир партия ходими ва депутатдан фаоллик, ташаббускорлик ҳамда масъулиятни талаб этади.

— Кейинги пайтларда тўйлардаги дабдабаю асъаса, манманлик, одамлар ўртасида сохта обрў қозониш, тўқликка шўхлик қилаётганлар томонидан ўйлаб топилаётган, қадриятларимизга мутлақо мос келмайдиган янги урф-одатлар авж олаётгани дилни хира қилади, — дейди ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши хотин-қизлар масалалари бўйича етакчи мутахассиси Гулчеҳра Шарипова. — Бундай тўй маросимларида халқимизнинг бой маданияти, ўзига хос қадриятлари эмас, балки айрим кимсаларга хос бўлган мақтанчоқлик, кибру ҳавога берилиш каби иллатлар намоён бўлмоқда. Бу каби иллатларнинг илдиз отишига йўл қўймаслик, тўйларни гўзал қадрият ва одатларимизга монанд тарзда ўтказишга эришиш ҳар биримизнинг иштирокимиз ва шахсий масъулиятимизга боғлиқ. Бундай бидъатларнинг олдини олишда айниқса, ёшларнинг ташаббускорлигини ошириш долзарб вазифа саналади. Ўйлайманки, бугунги тадбирдан сўнг ёшлар ўзларига керакли хулосаларни чиқариб олади.

Давра суҳбатида кўпни кўрган нуронийлар, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Ғиждувон туман бўлими вакиллари ҳаётий панд-насиҳатлари, таклиф-тавсиялари билан ёшларни ихчам тўйлар ташаббускори бўлишга чорлади.

Чарос ҚОБИЛОВА,
Ғиждувон тиббиёт коллежи талабаси:

— ЎзМТДП ташаббуси билан ташкил этилган мазкур давра суҳбати катта ҳаёт остонасида турган биз ёшлар учун ибрат мактаби вазифасини ўтади, десак муболаға бўлмайди. Тадбир иштирокчиларининг ўринли ва мушоҳадага чорловчи ўгит, панд-насиҳатлари, тўйлардаги ортиқча харажатлар сабаб оилалар иқтисодига, маънавий оламига салбий таъсир ўтказаётган учраётган нохушликлар, ҳақидаги маълумотлар биз ёшларда чуқур таассурот қолдирди. Тадбир якунида шундай хулосага келдик: биз ёшлар тўйлардаги дабдабабозликка қаршимиз, бахтли оила ва ширин турмуш тарафдоримиз.

Дилфуза ЯҲЁЕВА,
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Очиқ мулоқот

Ватанимизга келаётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш, улар учун муносиб шарт-шароит яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили саналади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида мамлакатимизда туризмни ривожлантириш иқтисодий соҳадаги устувор вазифа сифатида белгиланган. Айни шу мақсадда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда очиқ мулоқотлар ташкил этмоқда. Унда ҳудудлардаги мавжуд туризм масканларининг бугунги ҳолати, сайёҳларни жалб қилиш салоҳиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, туризмнинг янги йўналишларини очиш, соҳада фаолият юритаётган тадбиркорларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жойларда туризмни ривожлантиришнинг истиқболдаги режалари билан боғлиқ муаммо ва масалалар муҳокама қилинмоқда.

ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР

УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНА ОЛЯПМИЗМИ?

ЎзМТДПнинг Самарқанд вилояти кенгаши Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси, вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда "Самарқандни туризм марказига айлантирамиз" мавзусида очиқ мулоқот ташкил этди. Унда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекциясининг ҳудудий бошқармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи шаҳар кенгаши, шаҳар маданият бўлими ходимлари, Сартепо туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари иштирок этди.

Тадбирда асосий эътибор давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрда имзолаган "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда 2017 йил 16 августда қабул қилинган "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалаларга қаратилди. Бу борада амалга оширилаётган ишлар, бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар хусусида фикр-мулоҳаза билдирилди.

Таъкидланганидек, мазкур муҳим ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва шу асосда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар юртимизда туризм соҳаси ривожини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг шу йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ва унинг ижросини таъминлашга қаратилган "Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари юртимизга келаётган сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш, туризмни миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига айлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси, табиий бойликлари билан таништириш имкониятларини янада кенгайтиришда ҳуқуқий асос бўлаётир.

— Мамлакатимизда сайёҳларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини жаҳон стандартларига мослаштириш учун энг аввало шу соҳада фаолият кўрсатаётган кадрлар ҳар жиҳатдан салоҳиятли бўлиши лозим, — дейди Сартепо туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Тўрамурод Йўлдошев. — Бугунги тадбир коллежимизда таълим олаётган ўқувчиларимиз учун ҳар жиҳатдан фойдали ва самарали бўлди. Бўлажак мутахассислар юртимизда туризмни ривожлантириш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорларнинг аҳамияти ҳақида кенг тушунчага эга бўлди. Коллежни тамомлаб, ўзининг меҳнат фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшларга мутахассислар тавсия ва маслаҳатлар берди. Бу туризм соҳасида фаолият юритмоқчи бўлган ўқувчилар учун ҳар жиҳатдан фойдалидир.

Очиқ мулоқотда соҳада ютуқлар билан бир қаторда ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам талай экани айтилди. Масалан, малакали кадрлар етарли эмас, транспорт, меҳмонхона ва ресторан хизматлари жаҳон стандартлари талабига жавоб бермайди, ҳамма хизмат турлари ҳам йўлга қўйилмаган.

— Меҳмонхоналарнинг аксариятида ногиронлиги бор фуқаролар учун шароит яратилмаган, — дейди ЎзМТДП Самарқанд шаҳар кенгаши етакчи мутахассиси Акмал Бекназаров. — Бундан ташқари, тур операторлар билан меҳмонхоналар ҳамкорлигини ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бунинг учун зарур тайёргарлик ишларини амалга ошириш, сайёҳлар учун ҳар томонлама қулайликлар яратиш жоиз. Зеро, қачонки сайёҳ ўзига кўрсатилган хизмат сифатидан рози бўлса, унда юртимиз ҳақида ижобий фикр шаклланади. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижи нафақат сайёҳлик масканларимизнинг жозибаси, балки жойларда туристларга кўрсатилаётган хизмат сифати билан ҳам ўлчанишини унутмаслигимиз керак.

Мулоқотда мавжуд камчиликларни бартараф этиш, туризмни ривожлантириш йўлида ҳудудда ҳали ишга солинмаган имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди. Ўтмиш ва бугунни, миллийлик ҳамда замонавийликни ўзида мужассам этган Самарқанд шаҳрини туризм марказига айлантириш борасида давлатимиз томонидан яратилган шароит ва имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Мулоқот доирасида иштирокчилар Сартепо туризм ва маиший касб хунар коллежидаги ўқиш жараёни ва амалиёт хоналарида ўқувчилар учун яратилган шароит билан танишдилар.

Жамшид ХУШВАҚТОВ,
ЎзМТДП Самарқанд шаҳар кенгаши раиси

"Юртим тарихини ўрганаман"

ЁШЛАР ТАРИХ БИЛАН ЮЗЛАШДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсад-вазифаларини ёшлар орасида тарғиб этиш, партия сафига ёшларни кенгроқ жалб қилиш, уларни миллий урф-одат, қадрият ва анъаналаримизни эъзозлаш руҳида тарбиялаш мақсадида "Ёшлар қаноти" қатор лойиҳа, акция ва форумларни амалга ошириб келмоқда.

ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" "Юртим тарихини ўрганаман" шиори остида акция ўтказди. Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуасида ташкил этилган мазкур акцияда Урганч нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежи талабалари ва партия "Ёшлар қаноти" фаоллари иштирок этди.

Партия вилоят кенгаши раиси Ражаббой Рўзметов тадбир аввалида она диёримизнинг кўп асрлик тарихини ўрганиш юртдошларимизда миллий ўзликни англаш, Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғусининг мустаҳкамланишида долзарб аҳамият касб этишини таъкидлади. Ёш авлодга юртимизнинг шонли ўтмиши, миллий қадрият ва урф-одатларимиз ҳақида батафсил маълумот бериш, бу борадаги қизиқишларини ҳар томонлама рағбатлантириш муҳим вазифа саналади. Шу кунларда партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ўтказаётган "Юртим тарихини ўрганаман" шиори остидаги "Озод юртнинг обод гўшаси" акцияси ёш авлодни тарихимизга, аждодларимиз меросига нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Йигит-қизлар мазкур акция доирасида маданий, археологик ёдгорликлар жойлашган ҳудудларни обод этаётир, шу баробарида обидаларнинг тарихидан хабардор бўлмоқдалар, — дейди Урганч давлат университети қошидаги 2-сон академик лицей ўқитувчиси Машҳура Кенжаева. — Жалолиддин Мангуберди диёримиз тарихида ватанпарварлиги билан унутилмас из қолдирган. Шу боис буюк саркарда ҳаёти бугун ҳам авлодларимизга катта ибрат. Тадбир давомида тарихчи олимлар ёшларга Жалолиддин Мангубердининг юртимиз тарихида тутган ўрни, унинг мўғул босқинчиларига қарши мардонавор кураши хусусида атрофлича маълумот бердилар.

Ёшлар ушбу ёдгорлик мажмуаси атрофини ободонлаштириш ишларида фаол қатнашиб, азалий миллий қадриятимиз ҳисобланган ҳашарнинг бунёдкорликка ундовчи ҳаётбахш кучини қалбан ҳис қилдилар.

ЎзМТДП амалга ошираётган бу каби акциялар ёшларни бой тарихимиз ва буюк аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлардан хабардор қилиш билан бирга, бугунги тинч-осойишта ҳаётимизни, дўстлик ва тотувликни қадрлашга, юрт равнақи йўлида баҳамжиҳат ҳаракат қилишга ўргатади.

Бекзод ЗАРИПОВ,
ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

НАВОИЙНИ АНГЛАШ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ, ДЕМАК

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Суҳбатга келган меҳмонлар билан қайси соҳа ёки мавзуда суҳбатлашмайлик, гап ё бевосита, ё билвосита ўзликка, шахс ўзлигини, миллат ўзлигини, жамият ўзлигини англашга бориб тақалади. Мумтоз адабиёт билимдонларини, негадир, "хос одамлар" дегим келади. Очиғи, Шарқ мумтоз адабиётини тушуниш ва англаш хийла мураккаб. Ҳатто аввал мактаб, кейин дорилфунунда ўқиган бўлсак-да, улуғ шоир Алишер Навоий асарларини ҳам талқин этиш, ҳам идрок қилишга қийналамиз. Уларнинг асл маъносини чақишда, ўзимизнинг маънавий мулкимизга айлантиришда мураккабликларга дуч келамиз. Бунинг учун нима қилишимиз керак? Ёки бу ҳам ўзликни англаш билан боғлиқ жараёнми?

Олимжон ДАВЛАТОВ: — Ўзликка интилиш, ўзликни англаш жараёни мустақилликка эришганимиздан сўнг кучайди. Тарих шоҳид, ҳар бир халқ қайси замонда яшамасин ўзлигини йўқотмасликка, миллат сифатида шаклланишга интилган.

Аштархонийлар сулоласидан Абдуллахон пойтахтни Самарқанддан Бухорога кўчиргач, у ерда катта мадраса бунёд этади. Мадрасага бош олий таълим муассасаси мақомини беради. Унга танлов асосида бош мударрис тайинланади. Мирзожон Шерозий билан Мулла Абдусамад Косагароний ўзаро илмий мунозарага киришади ва бу баҳсда Косагароний ғолиб чиқса-да, лекин Абдуллахон Мирзожон Шерозийга ихлоси баланд бўлгани учун уни мударрис этиб тайинлайди. Шундан сўнг мадрасада Имом Бухорий, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Беруний каби алломаларнинг асарлари ўқитила бошланади. Лекин уларнинг бу асарлари мадраса толиблари учун "оғирлик" қилади, натижада уларга шарҳ ёзишга киришилади. Мирзожон Шерозийнинг ёлғиз ўзи мадраса таълими учун 37 та шарҳ ёзади. Шарҳ ёзиш йилдан-йилга авж олиб, толиби илмлар энди "Саҳиҳи Бухорий"-нинг ўзини эмас, Мирзожон Шерозийнинг унга ёзган шарҳини ўқий бошлайди. Охир-оқибат, мантиқ ҳақидаги "Шамсия" асарининг бир сатрини ўқимаган толиб, унга ёзилган 17 та шарҳни ўқиш билан кифояланади. Бу эса, ўз навбатида, илму толибларнинг аслиятдан, асл манбадан ўироқлашишига сабаб бўлади. Бундай ҳолат шўро даврида ҳам такрорланган. Масалан, биз Навоий асарларининг аслини эмас, балки қайсидир бир навоийшуноснинг улар ҳақидаги мақоласи ёки шарҳини ўқидик. Навоий ғазалларини ёд олмадик, балки уларни ўзича тушуниб ва давр сиёсатига мослаштириб таҳлил қилган олимнинг шарҳини мутолаа қилдик. Ва шундай йўл билан биз аслиятдан, ўзликдан ўироқлаша бошладик.

Фикри ожизимча, буюк мутафаккирлар ҳаёти ва ижодини ўрганишда учта хатар бор, деб ўйлайман. Биринчиси — улар ҳамма даврда ҳам қадр топмайди, яъни авлодлар унинг ижодини лозим даражада англай олмайди. Масалан, айни пайтда Шарқ қўлёзмалар институтида Ибн Сино қаламига мансуб 200га яқин асар сақланмоқда. Ибн-синошунос олим эса бармоқ билан санарли даражада. Унинг тиббиёт, астрономия, фалсафа, тафсирга оид асарларини таҳлил қилиб, мағзини чақиб бера оладиган олим йўқ. Биз алломанинг фақат номидангина фойдаланишга ўрганиб қолдик.

Иккинчи омил — биз буюк аждодларимизни ҳамиша ҳам ёдга олмаймиз. Бу фикримизга Мотуридий яққол мисол бўла олади. Уни 100-200 йил давомида ҳеч ким тилга олмади, эътибор қаратмади. Мотуридий каби аждодларимиз яна қанча? Шарқ қўлёзмалари институтида 100 мингга яқин асар ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. Учинчи омил, бевосита ҳазрат Навоийга тааллуқли. Шак-шубҳасиз, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий дунё адабиёти тарихида тенги топилмас бир сиймо ҳисобланади. Бироқ биз унинг асарларини ўқимасданоқ тасаввуримизда идеал ясаб олганмиз. Ҳайкаллар ўрнатганмиз, шаҳар, метро бекати, кўча ва институтларга унинг номини берганмиз. Бу, албатта, яхши. Навоий номи ҳар доим такрорланганидан бизда "Навоийни билишимиз" ҳақида иллюзия пайдо бўлган. Аслида эса мактаб дарсликларида берилган бир-иккита ғазали-ю, рубоийсидан бошқа нарсани билмаймиз. Биз асл келиб чиқишимиз, илдизимиз, ўтмишимизни билганимиздан сўнггина ўзликка қайтишимиз мумкин бўлади. Ўзлик ҳақида Навоийнинг шундай байти бор:

Мени мен истаган ўз суҳбатиға
аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин
кўнглум писанд этмас.

Аслида бир сатрда бир сўздан икки марта ноўрин фойдаланиш камчилик саналади. Хатто насрда ҳам шундай қоида бор. Бироқ Навоий "мен" сўзини бир неча бор ишлатган. Лекин у қуруқ такрор бўлмай, ҳар гал янгича маънони англатади. Дастлабки "мен" мен ҳақимда, бошқа одамларнинг тасаввурини ифодалайди. Менинг ташқи кўринишим, кийинишим, мана шу ўриндиқда ўтиришимга қараб мен ҳақимда муайян тасаввур ҳосил бўлади. Буни биз шартли равишда "пароканда тасаввур" деб аташимиз мумкин. Иккинчи "мен" бу — ҳар бир шахснинг ўзи ҳақидаги мени. Ҳар бир инсон ўзига билиб-билмай бир неча поғона юқори баҳо беради. У бунда уст-бош, шахсий машина, уй, мансаб-мартаба, обрў ва эътибор каби ташқи воситаларга асосланади. Ана шулар воситасида тасаввуридаги "мен"ини яратади. Бироқ у ҳам биз излаётган асл "мен" эмас. Асл "мен" ҳар бир одамнинг қалбидан жой олган. У ўзидаги барча иллатларнинг "кўзи"га тик қарай олади. Ҳолбуки, ҳамма ўзини хақ, диёнатли ва виждонли, деб билади. Ўзидаги камчилик ва қусурларни сезмайди, уларга қарши кураша олмайди. Чунки унда уларга қарши кураша оладиган маърифат нури йўқ.

Ҳадиси шарифда "кимки ўзини танибди, роббини танибди", дейилади. Маърифат бу — таниш, билиш, англаш. Маърифат икки босқичдан иборат: биринчиси — бандани таниш, иккинчиси — Оллоҳни таниш. Ўзимизни англаш орқали Ҳақни англай борамиз. Ўзимизни англамасдан туриб Ҳақни англай олмаймиз.

Буларнинг барчаси шахснинг ўзини англаш ҳодисаси билан боғлиқ жараён. Яна бир жараён борки, у миллатнинг миллат сифатида ўзини англаш ҳодисаси, деб аталади. Айни пайтда инсоният шундай бир даврда яшаяптики, миллатларнинг жуда кўп жиҳати ўхшаш ва муштарак: бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Фақат тил ва дунёқарашидагина фарқ бўлиши мумкин. Мумтоз адабиётни ўрганишда айни шу нуқтаи назардан ёндашиш лозим. Ҳазрат Навоий форс тилида ижод қилиш имконига эга бўлган, балки бу у учун туркчадан ҳам осонроқ эди. Абдурраҳмон Жомий "Навоий туркийда эмас, форсийда ижод қилганида, бизнинг сўзлашишимизга ҳужжат қолмасди", дейди. Лекин Навоий она тилини танлади, уни шеърият, адабиёт, муҳаббат тилига айлантириш учун катта меҳнат ва куч сарфлади. Биз ҳам ана шу йўлдан боришимиз керак.

"Муҳокамат ул-луғатайн" асарида "форсий, арабий ва туркий байтлардан эллик минг байт ёд тутибмен", дейди. "Лисон ут-тайр"да ёшлигида устози Қуръони карим ва ҳадис ўқитаётган вақтида тили равон бўлсин, деб "Мантиқ ут-тайр", "Бўстон", "Гулистон" асарларини ўқишга буюрганини, бунинг натижасида "Мантиқ ут-тайр"га ишқи тушиб, асарни бошдан-оёқ ёд олганини ёзган. "Мен (уни) ёдимда такрорлаб юрар эдим", дейди Навоий. Адабиётни, Навоийни ўрганишнинг асосий йўли уни ёд олиш. Мумтоз адабиётда ҳар бир сатр қатида оламолам маъно яширинган бўлади. Шу боис уни ўқиб бир мартадаёқ мағзини чақиш, англаш қийин.

Мумтоз адабиётга биз болалигимиздан ошно бўлишимиз, уни кўпроқ ёд олишимиз керак. Қачон пойдевор, асос мустаҳкам бўлса, илм қилиш ҳам осон кечади. Агар хотирамизни ёшликда енгил-елпи нарсалар, кераксиз ахборотлар билан тўлдириб қўйсак, мумтоз адабиёт, шарқ маънавияти бизга бегоналигича қолиб кетади. Ўз "дарвозаси" — сир-синоатини очмайди.

Болалигимда Ҳофиз Шерозийнинг 150дан ортиқ ғазалини, "Шоҳнома"дан бир достон, Навоийнинг 60га яқин ғазалини ёд олган эдим. Бу эса менга кейинчалик мумтоз адабиётимиз намуналари мағзини чақишда пойдевор бўлди, деб ўйлайман...

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Мумтоз адабиётни оммалаштиришга шўро давридан буён ҳаракат қилинади. Бунга Навоий достонларининг насрий баёни тайёрланган яққол мисол бўла олади. Бундай ёндашув ва тажриба бизни асл Навоийга олиб боришига ишонасизми?

Олимжон ДАВЛАТОВ: — Мумтоз асарларни ўрганишда ягона восита ёки ечим йўқ. Биз бунинг учун барча восита ва усуллардан фойдаланишимиз керак. Бунда ҳар бир шахс ўзига мос ва қулайини танлайди. Лекин на насрий баён, на шарҳ, на изоҳ ёки талқин аслиятнинг ўрнини босолмайди. Ўқувчи агар унинг насрий баёни ёки шарҳини ўқиганида қониқмаса, демак ўша баён ёки шарҳ ўз вазифасини бажарган саналади. Бу ўша ўқувчининг бир поғона юксалганини англатади.

Мисол учун, "Лайли ва Мажнун" достонида Лайлининг ити, чўпон, доя, Лайлининг отаси, Навфал, Навфалнинг қизи — буларнинг бари ошиқлар. Улар ўртасида ҳеч қандай синфий зиддият ёки кураш йўқ. Улар орқали ошиқликнинг турли даражалари, ҳолатлари, кўринишлари баён этилган. Ҳамма нарса, ҳатто бу дунё ҳам ишқ, муҳаббат асосига қурилган. Асарга кўз югуртириш ёки юзаки ўқиш билан бирор маъно-мазмунни англаб бўлмайди. Мумтоз адабиётни тушуниш учун шарҳ, изоҳ ва шеърий талқинларни ўқиш, баҳс-мунозаралар ташкил этиш лозим.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — "Насойим ул-муҳаббат"да 770 шайхнинг ҳаёти ва фаолияти келтирилган. Лекин бир пайтлар унинг насрий баёни нашр қилинганда "ширали жой"лари ташлаб кетилганга ўхшайди, назаримизда. Албатта, бу ўша давр сиёсати билан боғлиқ жараён. Асарда шундай бир ривоят бор: бир авлиё ўз мулозимлари билан овга чиқади. Ов тугагач, ҳамма қайтишга тараддудланиб турса, авлиёнинг ўзи кўринмасмиш. Ортидан қидириб боришибди. Қарашса, авлиё ерда ўтирибди: унинг тиззасига бир дарранда бошини қўйиб ухлаб қолган экан. "Туринг, кетдик", дейишса, авлиё: "мана шу жонивор уйқуга тўйиб олсин, кейин кетамиз", деб жавоб қилибди. Бу ривоятни ўқиган одам ларзага келади. Унинг насрий баёни одамни шу қадар тўлқинлантирса, асли қандай экан, деб унинг ўзини ўқигингиз келиб қолади...

Олимжон ДАВЛАТОВ: — Биринчи Президентимиз Ислом Каримов улуғ мутафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоийга муносиб таъриф берган: "Агар бу зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир".

"Вали" арабча сўз бўлиб дўст, Оллоҳнинг дўсти, деган маънони англатади. Умумий маънода иймон аҳлининг ҳаммаси вали саналади. Лекин улар орасида шундай инсонлар борки, иймон аталмиш гавҳарни пок сақлаб, мудом асраб-авайлаб юради ва шу боис авлиё даражасига етишади.

"Тазкират ул-авлиё"да шундай бир ҳикоят бор: Шайх Боязид айтади: "Онам қиш пайти иситмалаб ётарди, жуда фақир ва ночор эдик. Турдилар-да, сув сўрадилар. Кўзани олиб, югуриб бориб, қудуқдан сув олиб келсам, яна ухлаб қолибдилар. Ташқарида қўлимда кўза билан эгилиб, қотиб турдим. Бир муддат ўтиб, уйғондилар-да, "сув келтирдингми", деб сўрадилар. "Ҳа келтирдим", дедим. Кейин кўзани бермоқчи бўлсам, бармоқларим музлаб қотиб қолибди. Шунда онам: "Келганингга анча бўлдими?", дедилар. "Бир соат бўлиб қолди, ҳозир уйғониб қоласиз, деб андак туриб қолибман", дедим. Ўшанда онам дуо қилдилар: "Парвардигорим, мана шу фарзандим мени қандай иззат қилган бўлса, сен ҳам уни халқ орасида шунчалик азизу мукаррам қилгин". Онамнинг дуоларидан сўнг йигирма йиллик тоат-ибодатимда ҳам эришолмаганларимга мушарраф бўлдим". Ота-онанинг дуосида ҳикмат кўплигига шу мисолнинг ўзи етарлидир.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Ўзлик ҳақида суҳбатимиз табиий равишда адабиёт, маърифат, илм, исломий эътиқод билан бирлашиб, уйғунлашиб кетмоқда. Чунки уларни бир-биридан ажратиб ёки айро тасаввур қилиб бўлмайди. Хусусан, шу йилнинг 16 апрель куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев "Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" фармон қабул қилди. Фармонда белгиланган чора-тадбирлар мазмун-моҳияти, замирида исломни идрок қилиш, англаш, уни тафаккур билан ўзлаштириш мақсади мужассам. Исломни англаш аслида ўзликни англаш дегани эмасми?..

Олимжон ДАВЛАТОВ: — Бу дунёда эътиқодсиз одам бўлмайди. Биз ислом маърифатини, поклигини тарғиб қилган, исломнинг кенг ёйилиши йўлида меҳнат қилган, машаққат чеккан Имом Бухорий, Имом Термизий, Ибн Сино, Беруний, Алишер Навоий, Фаробий каби алломаларнинг авлоди саналамиз. Уларнинг асарларини ўқисангиз бирорта очиқ даъват ёки бошқа миллат ва мазҳабни камситиш, одамларни беҳурмат қилиш, улар устидан ҳукм чиқариш ҳолати мавжуд эмас. Чунки улар ҳақиқий ислом динини маданият ва маърифат йўли билан тарқатганлар.

Мазкур фармон юртимизда муқаддас ислом динимиз ва миллий қадриятларимизни ривожлантиришда кенг йўл очиши, шубҳасиз. Исломни ўз қадриятимиз, иймонимиз, эътиқодимиз сифатида ўрганиш, тарғиб этиш, экстремистлар ва бузғунчилар байроғи ва ниқобини фош этиш йўлидаги амалий ҳаракатларимизда дастурилламал бўлади.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Мамлакатимизда эътиқод эркинлиги мавжуд: ҳар ким ўзи истаганича, қурби етганича эътиқод қилади. Лекин билим билан, тафаккур ва чуқур идрок этган ҳолда эътиқод қилиш вақти келди. Эътиқод оммавий даражада, таъбир жоиз бўлса, қуйи поғонада қолиб кетмаслиги керак. Шу ўринда, бошқа бир мулоҳаза ҳам пайдо бўлади. Эътиқодни ўта миллийлаштириб юборсак, фақат хос одамларгагина тегишли бўлиб қолмасмикин? Бундай ҳолатда унинг олдини олиш чораларини ҳам кўриш керак, назаримда. Чунки ҳаммани ҳам теран илм олишга мажбур қилолмаймиз. Бунда, сизнингча, чегара қаерда бўлиши керак?

Олимжон ДАВЛАТОВ: — Исломда ҳар бир масалада маъёр тамойили мавжуд. Икки тушунчага амал қилинади: биринчиси, ифрот — ҳаддан ошиш, иккинчиси, тафрит — меъёрига етказмаслик. Ҳамма нарсада ана шу меъёрни сақлаш ва унга итоат этиш керак. Ҳатто адабиёт, санъат, маданият, иқтисод, эътиқодда ҳам мўътадилликка риоя қилиш лозим. Чунки ўта чуқурлашиб кетилса, тарафкашлик, узилиб кетишлик каби ҳолатлар юзага келиш хавфи бор...

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Шу ўринда яна бир савол туғилади. Ислом тафаккури ҳам жарангдор, ҳам моҳиятан чуқур тушунча саналади. Фаробий, Ибн Сино, Хоразмий каби алломаларимизнинг барчаси мусулмон бўлган. Улар қилган кашфиётлар мусулмон одаминикими ёки ислом тафаккуриникими?

Олимжон ДАВЛАТОВ: — Ғаззолий диний илмларни дин уламоларидан, дунёвий билимларни дунёвий фан билимдонларидан сўраш керак, бироқ ҳар иккаласини ҳам тенг ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмайди, дейди.

Масалан, географиядан бехабар одам қибла қайси томондалиги ёки қуёш ҳаракатига қараб пешин, аср номози вақтини белгилашни билмайди. Ёки диннинг, Оллоҳнинг борлигига ишонмайдиган одам фанда ҳеч қачон катта муваффақиятларга эришолмайди, йирик кашфиётлар қилолмайди. Чунки дин ҳам, илм ҳам Худо томонидан берилган. Шу боис ислом динида дунёвий билимларга ҳеч қачон қаршилик бўлмаган ва бундан кейин ҳам бўлмаслиги аниқ.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Дунёвий ва диний билимлар ҳар доим муштарак ва бир-бирига мувофиқ бўлиши керак, дедик. Келинг, энди дунёвий билимлар ҳақида сўз юритсак. Биламизки, ғазалиётда аруз вазни кам бўғинли сўзларни талаб қилади. Туркий сўзлар эса аксинча, кўп бўғинли. Шунга қарамай Алишер Навоий туркий тилда ижод қилди. Унинг асарларида нафақат форсий, балки ҳозир истеъмолда учрамайдиган туркий сўзлардан ҳам кўп фойдаланилган. Бу ўша даврдаги сўзлашув тилининг таъсирими ёки арузнинг талаби?

Олимжон ДАВЛАТОВ: — Алишер Навоий ўз ижодида 36-37 фоиз туркий, 30 фоиз арабий, 30 фоиз форсий сўзлардан фойдаланган. Шеърият султонининг буюклиги шундаки, у кўча ва бозорда ишлатиладиган, турли қавм ва элатлар лаҳжасида учрайдиган сўзларни ҳам адабий тил, сўз санъати даражасига олиб чиқди. Эркин Воҳидовнинг машҳур "Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон, ўзбегим" сатридаги "ўзбегим" сўзини илк бор Алишер Навоий ишлатган:

Ўзбегим бошида қалпоқ, эгнида ширдоғи бас.

Навоий бир сатрнинг ўзида учта ("ўзбегим", "қалпоқ", "ширдоғ") янги сўздан фойдаланяпти. Бу ҳар уч сўз ҳам ўша даврда кўча сўзи бўлган. Аслида ҳозир ҳам кўча сўзлари кам эмас. Лекин уларни шеър даражасига кўтара оладиган, шеър тилига кўчира оладиган шоир йўқ. Ҳар қандай сўзни шеърият, адабиёт тилига кўчириш осон иш эмас. Навоий эса форсий адабиёт билан тенг кела оладиган адабиётга асос солди. Аҳамиятлиси, буни унинг бир ўзи уддалай олди.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Суҳбатимиз давомида маълум бўляптики "ўзликни англаш учун Навоийни янада чуқурроқ ўрганишимиз керак", деган хулосага келиняпти. Бугунги кунда таълимда Навоийни ўрганиш борасида узлуксизликни таъминлаш учун нималарга эътибор қаратиш керак деб ўйлайсиз?

Олимжон ДАВЛАТОВ: — Бунинг учун, энг аввало, Навоийни чуқур англай ва идрок қила оладиган ўқитувчиларни тайёрлашимиз керак. Айни шу мақсадда Президент фармони билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилди ва фаолият олиб бормоқда. Унда "навоийшунослик" деб аталадиган янги фан жорий қилинди. Навоий шу пайтгача бошқа университетларда бир фасл ўқитилган бўлса, энди тўрт фасл ўқитиляпти. Навоийни англай олган ўқитувчи дарсни болаларнинг ёши ва қизиқишига қараб, янгича усулда ўтишга, ўқитишга ҳаракат қилади. Бу, албатта, босқичма-босқич амалга ошади.

Суҳбатимиз якунида бир нарсани алоҳида таъкидлашим жоиз, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси билан "Навоий ворислари" республика кўрик-танлови ўтказилиб келинаётганидан кўпчиликнинг хабари бор. Ушбу танловда камина ҳам эксперт сифатида иштирок этдим. Ва бу жараёнда Навоий ғазалларини ёд олган, насрий баёни ва шарҳидан бохабар, луғатини биладиган ҳамда ифодали ўқий оладиган ёшлар кўп эканига гувоҳ бўлдим. Бу юртимизда навоийхонлар авлоди шаклланаётганидан, навоийхон миллатга айланаётганимиздан далолат беради. Демак, халқимиз шеърхонликни яхши кўради, адабиётни севади, Алишер Навоийни мангу ардоқлайди.

Суҳбатни "Milliy tiklanish" мухбирлари
Исмат ХУДОЁРОВ,
Мухторбек АБДУЛЛАЕВ
ёзиб олди

Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигига

ИНСОН ШАХСИЯТИНИНГ БУЮК КАШФИЁТЧИСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 2 апрелдаги "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорини ижодкорлар, кенг жамоатчилик ҳурсандчилик билан қарши олди. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки Чингиз Айтматов ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан ва яқин дўсти эди. Қолаверса, буюк ижодкорга юксак ҳурмат-эҳтиром, қардош қирғиз халқи билан яқин қўшничилик ва дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, уни янги босқичга кўтариш, адабиёт ва маданият соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.



Дарҳақиқат, юртимизда бугун рўй бераётган муҳим ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий янгиланишлар халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, ҳам моддий, ҳам маънавий ҳаётида улкан ўзгаришларга сабаб бўлаётир. Хусусан, адабиёт, санъат ва маданият соҳаларига қаратилаётган эътибор азалдан маърифатпарвар халқимизни беҳад шод этмоқда. Шу йил 5 апрелдаги "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори ва унда белгиланган вазифалар ҳақли равишда тарихий қарор сифатида эътироф этилмоқда.

Асрлар давомида турфа хил оҳангларда шаклланиб, тараққий этиб, кишилар қалбига эзгулик уруғини қадаб келаётган, сўз ихлосмандлари учун битмас-туганмас хазина манбаи бўлмиш бадиий адабиётнинг инсон маънавий олами юксалишидаги ўрни беқиёс. Буни, айниқса, Чингиз Айтматов ижоди тимсолида яққол кўриш ва англаш мумкин. Ёзувчининг инсонпарварлик ва эзгулик ғояларини, миллий ва умумбашарий қадриятлар, турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган умрбоқий асарлари юртимиз китобхонлари томонидан ҳам севиб мутолаа қилинади.

Жаҳон адабиётининг йирик вакили, буюк сўз санъаткори, туркий адабиётни юксак чўққига кўтарган истеъдод соҳиби Чингиз Айтматов XX асрнинг 50-йилларида адабиёт майдонига кириб келиб, миллионлаб китобхонлар қалбидан ўрин олди. У ноёб истеъдод, кенг қамровли сўз санъаткори эди. Адиб нафақат қиссанавис ва романнавис, балки тарих ва мумтоз адабиёт билимдони, бетакрор сўз санъаткори ва муҳаррир, публицист ва журналист, файласуф, моҳир дипломат, халқлар дўстлиги ва биродарлигини юксак пардаларда куйловчи ирода соҳиби сифатида ҳам намоён бўлди.

Адибнинг деярли ҳар бир асари реал воқеликдан олинган ва маҳорат билан тасвирланган. Балки шунинг учун ҳам Чингиз Айтматов асарлари халқ ичида тез шуҳрат қозонди, дунёнинг кўп тилларига таржима қилинди.

Бўлғуси адиб халқ оғзаки ижоди, рус ва жаҳон адабиётининг нодир дурдоналари билан яқиндан танишади. Унинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади: "Мен китобни зўр ҳаяжон, катта иштиёқ билан, худди муқаддас нарсани ушлагандек қўлимга олар эдим. Ўша кезлари менинг назаримда, ёмон китоб йўқ эди. Китобларнинг ҳар бири мени ҳаяжонга соларди, китоб ёзган одам эса хаёлимда худди Пушкин ва Толстойдек буюк сезиларди".

ЮНЕСКО тақдим этган маълумотларга кўра, адиб асарлари ўтган асрнинг 90-йиллари сўнггида 168 мамлакатда 165 тилга таржима қилиниб, 830 марта, жами 67,2 миллион нусхада чоп этилган. Ҳозирги кунда эса жаҳоннинг 180 га яқин тилига таржима қилиниб, 80 миллион нусхада нашр этилган. Биргина "Жамила" қиссаси 50 дан ортиқ тилларга таржима қилинган.

— Чингиз Айтматов ижоди ҳақида сўз кетганда, бир нарсани алоҳида қайд этиш жоиз, — дейди адиб ва таржимон Асил Рашидов. — Унга қадар қирғиз халқ оғзаки ижоди юксак даражада ривож топган эса-да, ёзма адабиёти ҳали шаклланмаган эди. Буюк адиб қирғиз ёзма адабиётини нафақат шакллантирди, балки уни дунё миқёсига олиб чиқди.

Адиб асарларида лиризм, психологизм, ўзига хос драматизм, шунингдек, рус ва Европа бадиийтидаги энг яхши анъаналар ўзлашмаси ва ўзига хос бадиий характерлар яққол намоён бўлади. Ёзувчи кейинчалик ўз хотираларида бу ҳақда шундай дейди: "Мен соҳилларини кўз илғамайдиган рус адабиётининг чексиз уммонида толстойча донишмандликни ва образларнинг руҳий мураккаблигини яхши кўраман, ҳайратда қолдирадиган шолоховча драматизмни ва характерларнинг шолоховча ёрқинлигини яхши кўраман. Горький ва Маяковскийнинг революцион романтикасини яхши кўраман, чеховча беқиёс одампарварликни ва борлиқни бунинча нозик идрок этишни.., твардовскийча шеърият уфқларини, леоновча юксак заковатлиликни яхши кўраман. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас".

Ҳақиқатдан ҳам, адиб асарларидаги бадиий гўзаллик, инсон ва наботот олами ўртасидаги ўзаро узвийлик, инсон тафаккуридаги эврилишлар юксак маҳорат билан тасвирланади. Рус адабиётшуноси Виктор Гусевнинг "Айтматов аллақачон рус прозасига сезиларли даражада таъсир этмоқда", деган назарий қарашига илова қилган ҳолда, айтиш мумкинки, у нафақат рус адабиётига, балки жаҳон адабиётига ҳам таъсир ўтказган эди.

Адибнинг "Асрни қаритган кун" ("Асрга татигулик кун"), "Қиёмат", "Охирги замон нишоналари", "Қулаётган тоғлар" ("Мангу қайлиқ") романларида одам ва олам ҳақидаги қарашлар, умуминсоний муаммолар бадиий мантиқ ва фалсафа нуқтаи назаридан талқин этилиши ҳеч бир китобхонни бефарқ қолдирмайди. Чингиз Айтматов ўз асарларида оддий меҳнат кишилари — ишчилар, чорвадорлар, денгизчилар, зиёлилар образини шунчалик маҳорат билан ярата оладики, асарни мутолаа қила туриб, ўзингизни асар воқеалари иштирокчисидек ҳис этасиз. Асар қаҳрамонларига қўшилиб не-не тўсиқларни енгиб ўтасиз, кулса — куласиз, қувонса — қувонасиз, куюнса — куюнасиз. Шунинг учун ҳам нафақат қардош халқ вакиллари, балки дунё аҳолиси ҳам адиб асарларини худди ўз халқининг минг йиллар аввал яратилиб, авлоддан авлодга ўтиб келаётган халқ қўшиғи каби қабул қилиб келмоқда.

Адиб асарларида қаламга олинган образлар табиий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига дахлдор бўлиб, ўша даврнинггина эмас, ҳар қандай жамият муаммолари, мураккаб тақдирлар фожиаси, инсон руҳиятидаги ўзгаришларни қамраб олади. Унинг асарларида инсоний ва ботиний туйғулар, миллий қадриятлар, урф-одатлар билан биргаликда инсон ва наботот олами ўртасидаги диалектик бирлик, ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги зиддият ва курашлар ҳаёт воқелиги асосида бадиий талқин этилади. Шунинг учун ҳам Чингиз Айтматов асарлари ҳамма замон ва маконда ҳам кишиларнинг маънавий мулки бўлиб қолаверади.

Азмиддин НОСИРОВ,
Самарқанд давлат университети доценти, филология фанлари номзоди

Робита

МИРЗО БОБУР ВА МУҲАММАД БАЙРАМХОН

ИККИ ХАЛҚ ДЎСТЛИГИНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

XVI асрда яшаб ижод қилган Муҳаммад Байрамхон туркман мумтоз адабиётида юксак мавқега эга. У бир ғазалида ***арбоби ғараз сўзига зинҳор инонма,*** деб ёзади. "Инонма" радифли бу панднома ғазал бизга Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг:

Мани ел эсганидек қилди беқарор сочинг.

Муҳаммад Байрамхон шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг назарига тушиб, Ҳиндистонда қудратли бобурийлар салтанатининг барпо этилиши ва мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшгани, айни шу муҳитда истеъдодли лирик шоир сифатида шаклланган туркий халқлар тарихи, улар ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамнафаслик нақадар теран илдизларга эга эканлигининг ёрқин намунасидир.

Ҳиндистонда Бобур, Ҳумоюн, Акбар, Зебуннисо, Байрамхон, Абдураҳим сингари шоир ва шоҳларни ҳозир ҳам ҳурмат-иззат билан тилга олишади.

— Ҳиндистон сафари чоғида ҳинд халқи ўзининг улуғлари қаторида Бобур ва Байрамхонни ҳам ардоқлашини кўриб, жуда фахрландим, — дейди таниқли туркман шоири Отамурод Шоқули. — Ҳиндларнинг, айниқса, Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бўлган эҳтироми ва эътибори юксак. Бир нечта маданий марказ, кўчалар бошида Бобурнинг суратлари акс этган. Сафар чоғида Деҳлидаги коллежларнинг бирида туркий халқлар шеъриятига бағишлаб уюштирилган мушоирада иштирок этдик. Коллеж талабалари, ўқитувчилари ва мушоира қатнашчилари мени ўраб олиб, "Бабир, Бабир", дея саволлар бера бошлади. "Ҳа, Бобур менинг улуғ бобокалоним бўлади!", дедим фахр билан. Талабалар Бобур ва Махтумқули шеърлари билан айтиладиган қўшиқларни куйлашди. Бобурнинг *"Сочининг савдоси тушди бошима бошдин яна"* ғазали асосида куйланган қўшиқ ҳеч ёдимдан кўтарилмайди. Шундан сўнг мендан ҳам шеър айтиб беришни сўрашди. Навоий ҳикматларидан, Бобурнинг "Ҳинд сори юзландим" рубоийсини, Махтумқулининг "Ҳиндистонда хаёлим" шеърини, Байрамхоннинг "Сочинг" ғазалини туркман тилида ифодали ўқиб бердим.

Туркманистонда бугун Муҳаммад Байрамхон ва унинг салафларига ўзгача ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилади. Муҳаммад Байрамхон ва унинг ўғли — бобурийлар саройида шаҳзодаларга оталиқ ва маслаҳатчи бўлиб хизмат қилган истеъдодли шоир Абдураҳим Хон-хононнинг ҳаёти ва ижоди ўқув юртлари таълим дастуридан ўрин олган. Асарлари катта ададда қайта-қайта нашр этилмоқда. Кўчалар, хўжаликлар ва қатор корхоналарга улар номи берилган. Ашхобод шаҳрининг сўлим маскани — "Илҳом" хиёбонида "Заҳириддин Муҳаммад Бобур — Муҳаммад Байрамхон" ҳамда бошқа бир ўринда "Муҳаммад Байрамхон — Абдураҳим Хон-хонон" деб лавҳлар битилган ҳайкаллар ўрнатилган.

— Сирли ғўзаллик ва маънавий улуғворлик ҳукмрон бу гўша бизнинг энг севимли масканимизга айланган, — дейди ашхабодлик тадбиркор Дерамад Дурдиев. — Бу ерни чинакам халқлар дўстлиги боғи, деб аташ мумкин. Бу ерда оталар болаларига Навоий ва Махтумқули, Бобур ва Байрамхондек бир-бирига яқин ва меҳрли сиймолар ўзбек-туркман халқи қадимий дўстлигининг ёрқин тимсоли экани ҳақида меҳр билан сўзлаб беришади.

Дарҳақиқат, олис юртларда ҳам асл миллий-маънавий қадриятларини йўқотмаган, бир-бирининг таянчи ва суянчи бўлган улуғ бобокалонларимиз Бобур ва Байрамхон сиймоси ўзбек ва туркман халқининг абадий қардошлиги тимсоли бўлиб қолаверади.

Абдуғаффор ХОН,
"Ўзбекистон-Туркманистон" дўстлик жамияти фаоли, адабиётшунос

Central Asia — 2018

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ МАЙДОНИДА

ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАЛАРНИНГ ЎРНИ

Термизда "Central Asia 2018. Фан, таълим, маданият ва бизнесда Интернет ва ахборот-кутубхона ресурсларининг ўрни" мавзусида XII халқаро конференция бўлиб ўтди.

Унда республикамиздаги ахборот-ресурс, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналар, нашриётлар, мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳамда Россия, Жанубий Корея, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Туркия, Эрон, Исроил, Покистон каби давлатлардан 300дан ортиқ мутахассис, экспертлар иштирок этди.

Бугунги тезкор даврда ахборот ресурсларининг ҳажми ва унга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Ўтган асрда айни шу вазифа ва хизматларни кутубхоналар бажарган. Китоб ва ўқувчи орасида кутубхоначилар зарур ахборотни топиш, ундан фойдаланишда яқин кўмакдош бўлган. Замонавий кутубхоналар бугун ўқувчиларга нафақат ахборот ресурсларидан фойдаланиш, балки инновацион ғоялар ва бизнес ташаббусларини рўёбга чиқаришда ҳам мулоқот майдонини яратмоқда. Айниқса, илм-фан, маданият тараққиётида мазкур хизматнинг ўрни эътиборга молик. Бугунги кунда айниқса, ёш тадқиқотчи олимларимиз ушбу ресурсларга кўпроқ мурожаат этмоқда. Бу эса дунё илм-фан ютуқларининг ўқув фанимиз, қолаверса, ҳаётимизга кириб келишини янада жадаллаштиради. Табиийки, бу илғор тажрибалар оммалашуви, ахборот маданияти ва медиасаводхонликнинг ошишига, Интернет, электрон маълумотлар базаларига эркин киришни таъминлашга хизмат қилади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ўтказиб келаётган "Central Asia 2018. Фан, таълим, маданият ва бизнесда Интернет ва ахборот-кутубхона ресурсларининг ўрни" анъанавий халқаро конференцияси ушбу мақсадларнинг рўёбга чиқишига катта туртки бермоқда.

Бу галги халқаро конференциясининг ялпи мажлиси Термиз шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят ҳокими Эркинжон

Турдимов ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз ташаббуси билан ахборот-кутубхона фаолиятининг сифат ва самарадорлигини таъминлаш, соҳага янги ғоялар жорий этиш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Хусусан, жорий йилда вилоятда адиб Собир Термизий номидаги ахборот-кутубхона марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди, унда 225 мингга яқин китоб ва 5 мингга яқин электрон китоб фондига эга "Book-kafe" ва "Китоб олами" савдо дўкони, Wi-Fi ҳудуди мавжуд. Масканда йилига 100 мингдан ортиқ китобхоннинг эҳтиёжини қондириш имконияти мавжуд. Бундай замонавий шароитлар яратилгани китобхонлар сафи кенгайишига хизмат қилаётир.

Бугунги кунда вилоятда 1 минг 100 дан ортиқ кутубхона ва ахборот-ресурс маркази китобхонларга хизмат кўрсатмоқда. Жойларда замонавий китоб дўконлари барпо этилиб, фойдаланишга топширилаётир. Уй-кутубхоналар ташкил этилмоқда.

— Ҳар йили анъанавий ўтказилаётган ушбу конференция ва "INFOLIB" миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги жойлардаги маърифат масканлари фаолияти самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда, — дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори ўринбосари Умида Тешабоева. — Янгиликлар устида ишлашга ундамоқда. Масалан, Самарқанд вилояти ахборот-кутубхона маркази "Мобиль кутубхона" лойиҳасини амалга оширди. Бу китобхонларнинг кутубхонага бормай, уяли телефон орқали бадиий асарлар мутолаа қилиш имкониятини яратди. Фарғона вилояти ахборот-кутубхона марказининг "Замондош", "Кутубхона дўстлари" лойиҳалари китобхонлик тарғиботи ва мутолаа маданиятини юксалтиришга қаратилган. Ахборот-кутубхона марказларининг веб-саҳифаларида виртуал кўргазмалар, мулоқот клублари ташкил этилгани ҳам одамларда китоб билан янада яқин дўст тутинишга интилишни оширмоқда.

Ялпи мажлисда мамлакатимизнинг етакчи олимлари ва тадқиқотчилари, шунингдек, Жанубий Корея, Покистон, Эрон, Россия, Қозоғистон, Тожикистон каби давлатларнинг тажрибали мутахассислари соҳага оид маърузалари билан иштирок этди.

— Конференциянинг қадимий Термиз шаҳрида бўлиб ўтгани ва унда фахрий меҳмон сифатида иштирок этганимдан мамнунман, — дейди Эрон миллий кутубхонаси ва архиви директор ўринбосари Гхоламреза Амирхани. — Кутубхонамизда кўплаб ватандошларингиз, хусусан, термизлик олимлар ва ижодкорларнинг қўлёзма асарлари сақланади. Яқинда шоир Мунжик Термизийнинг шеърий девонини нашр этдик. Бугун уни совға сифатида юртингизга олиб келдим. Анжумандан сўнг Миллий кутубхона ва архивимиздан фойдаланувчи ўзбекистонлик тадқиқотчилар сони ортишига ҳамда ҳар томонлама алоқаларимиз янада мустаҳкам бўлишига ишонаман.

Анжуман доирасида Ўзбекистон Миллий кутубхонасидан жамоавий шартнома асосида халқаро EBSCO компаниясининг маълумотлар базасидан самарали фойдаланаётган Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Жиззах политехника университети, Самарқанд вилояти ахборот-ресурс маркази ҳамда адиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилояти ахборот-кутубхона марказининг бир гуруҳ мутахассислари фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Конференция ўз ишини Термиз давлат университети ахборот-ресурс марказида давом эттирди. Унда "Ҳудудларда ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришда янги тенденциялар: ўзаро ҳамкорлик йўллари", "Фан ва таълим ривожида ахборот-кутубхона муассасаларининг ўрни", "Ахборот-кутубхона муассасаларининг нашриётлар, архив ва музейлар билан ўзаро ҳамкорлиги масалалари: ҳукумат топшириқлари ижроси кесимида", "Технологиялар ва инновацияларни жорий қилиш – аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш сифатини оширишда муҳим омил" каби мавзуларда фикр алмашилди.

Анжуманда тажрибали экспертлар юртимизнинг турли ҳудудларидан келган кутубхоначи-мутахассислар учун "EBSCO, Web of Siense электрон маълумотлар базаси ва РДК диссертациялар электрон кутубхонаси билан ишлаш асослари" мавзуида маҳорат дарслари, семинар ва "E Line Press" компаниясининг фаолияти ҳамда лойиҳалари тақдимотини ўтказди.

Халқаро конференция якунида адиб Собир Термизий номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказига юртимиз нашриётларида янги чоп этилган 900 дона бадиий, тарихий, ҳуқуқий, илмий ва бошқа китоблар туҳфа қилинди.

Баҳром НОРМУРОДОВ

Бизнинг шарх

АТОМ ЭНЕРГИЯСИ

ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ УНИ ФАҚАТ ФОЙДАЛИ МАҚСАДЛАРГА ЙЎНАЛТИРИШДА ЯКДИЛ

Энергия таъминотининг барқарорлиги аҳоли турмуш фаровонлиги, иқтисодиёт ривожланишига хизмат қилади. Дунёда муқобил энергия манбалари кўп, шулардан бири атом энергиясидир.

Аввало, таъкидлаш жоиз, таёқнинг икки учи бўлганидек, ҳар нарсанинг ҳам яхши, ҳам ёмон томони мавжуд. Жумладан, мислсиз қувватга эга бўлган атом энергияси кашф этилганидан сўнг ундан дастлаб уруш мақсадида фойдаланилган. Дунё тарихида илк ядро қуроли Иккинчи жаҳон уруши поёнида АҚШ томонидан қўлланилгани барчага маълум. 1945 йил 6 август куни Японияннинг Хиросима, орадан уч кун ўтиб Нагасаки шаҳри атом бомбаси зарбидан ларзага келди. Бу вақтга келиб Германия урушда мағлуб бўлганини тан олган бўлса-да, Япония ҳали бўйин эггиси келмасди. Унинг икки шаҳри бомбардимон қилинганидан сўнг сентябрь ойи бошида Иккинчи жаҳон уруши ҳам нихоясига етди. АҚШнинг Япония шаҳарларига ташлаган атом бомбаси уруш тугашининг асосий сабабларидан бири сифатида тарихда қолди.

Ёзувчи Алан Е. Майер "Омадсизлик" номли ҳикоясида унинг оқибатларини шундай тасвирлайди:

"Бутун танам зирқираб оғриганидан уйғониб кетдим. Кўзимни очганимда қаршимда ҳамшира турар эди.

— Жаноб Фужима, — деди у, — омад кулиб боқди, сиз икки кун аввал Хиросимадаги бомбардимондан омон қолдингиз. Ҳозир госпиталдасиз, энди сизга ҳеч нима хавф солмайди.

Мадорсизликдан зўрға оғиз жуфтлаб, сўрадим:

— Қаердаман?

Ҳамшира: — Нагасакидасиз, — деб жавоб қилди"...

Қисқа тасвир бўлса-да, лекин унда улкан фожеа ҳақида сўзланаётганини англаш қийин эмас. Чунки ядро қуроли портлатилиши оқибатида япон халқи узоқ йиллар азият чекди. Тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масаласи дунё миқёсидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолаётган айни замонда унинг аҳамияти янада бўртиб кўринади...

Тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлик ҳақида гап кетар экан, 1945 йили АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида урушдан жабр кўрган 50 мамлакат вакиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомини ишлаб чиққани ва имзолаганини ёдга олмаслик мумкин эмас. Зеро, БМТ Бош Ассамблеясининг илк резолюцияси ҳам дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган. 1946 йилнинг 24 январида қабул қилинган ушбу ҳужжатда атом энергиясидан тинч

мақсадларда фойдаланиш ва оммавий қирғин қуролларини йўқ қилишга даъват ўз ифодасини топган. Шундан сўнг кўрилган қатъий чоралар туфайли дунё ҳамжамияти томонидан ядро қуролларини қисқартириш, уни муайян ҳудудлар (космик майдонлар ва океан ости каби жойлар) га жойлаштирмаслик, тарқалишни чегаралаш ва синовлар ўтказмаслик борасида кўплаб шартномалар тузилди. Бу саъй-ҳаракатларга қарамай ядро қуроллари ва уларнинг тарқалиши инсоният учун асосий хавф бўлиб қолаётир.

Ядро қуролларининг аксарият қисми "совуқ уруш йиллари"да яратилган. Собиқ иттифоқ ва АҚШ ўртасида 1987 йили Ўрта ва кичик масофали ядро қуролларини чеклаш борасида шартнома тузилди ва радиуси 500дан 5500 километргача бўлган ер-баллистик ва қанотли ракеталарнинг аксарияти йўқ қилинди. 1996 йилнинг охирига келиб шартномада белгиланган барча қуроллардан батамом воз кечилди. 1997 йилда Хельсинкида келгусида ядро қуроллари захирасини қисқартириш ҳақида шартнома имзоланди. 2004 йил 24 майда Россия Федерацияси ҳамда АҚШ президентлари стратегик ядро қуроллари миқдорини чегаралаш бўйича шартномани имзолади.

Қуролсизлантириш ва қуролланиш устидан назорат оммаавий қирғин қуролларини тарқатмаслик ҳамда атом энергиясидан тинчлик мақсадида фойдаланиш масалаларида яқин ҳамкорлик борасида икки томонлама шартномалардан ташқари, кўп томонлама шартномалар ҳам тузилган. Барча кўп томонлама шартномаларнинг энг мукаммали Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома 1968 йилдан бошлаб аксарият давлатлар томонидан имзолана бошланди ва 1970 йилдан эътиборан кучга кирди. Ушбу шартнома ядро қуролларини тарқатмасликнинг қатъий "қонуни"га айланди ва оммавий қирғин қуролларидан воз кечиш жараёни учун хизмат қилади.

Ядро қуроллари тарқалишининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатларда 1957 йилда тузилган Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) муҳим рол ўйнайди. Мазкур агентлик ядро қуролини тарқатмаслик кафолати ва ядро лойиҳаларини назорат қилувчи дунёдаги ягона назорат ташкилоти саналади. Давлатлар томонидан имзоланган келишув асосида МАГАТЭ инспекторлари ядро материаллари инвентарлари, кузатув ускуналари ва асбоблари, ядро материалларининг жойлашган ўрни ҳақидаги ҳисоботларни текшириш учун мунтазам равишда объектларга сафар уюштиради. Шу ва бошқа чора-тадбирлар орқали маълум бир давлат ядродан тинчлик йўлида фойдаланиш мажбуриятини бажараётгани ҳақида мустақил гувоҳлик беради. Ҳар куни агентликнинг 250 нафар эксперти бутун дунё бўйлаб жойларда инспекция ўтказади. Шу орқали улар тахминан 70 та давлатда жойлашган 900 дан ортиқ ядро қурилмалари уруш эмас, тинчлик мақсадида фойдаланишини таъминлайди.

Ядро қуроллари бир тизимга солиниб, атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланилаётган бўлса-да, лекин ундан фойдаланиш жараёнида фавқулодда кенг кўламда зарар кўриш ҳолатлари ҳам кузатилади. Аслида атом энергияси манбаи ҳисобланган уранни фақат ядро қуроли тайёрлашда эмас, балки кўплаб фойдали мақсадларда ҳам қўллаш мумкин. Хусусан, электрэнергияси ишлаб чиқаришда у энг арзон манба саналади. Бироқ уни ишлаб чиқариш жараёнида кичик хатога йўл қўйиш ҳам йирик талофатларга олиб келиши мумкинлигини эътибордан соқит қилмаслик лозим. Бундай инқирознинг атроф-муҳитга, бу ерда яшаётган минг-минглаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирига мисол сифатида эса Чернобиль фожеасини келтириб ўтиш мумкин.

Маълумки, 1986 йилнинг 26 апрель куни Чернобиль Атом электр станциясида мисли кўрилмаган техноген фожеа юз берган эди. Атом электр станциясининг 1983 йил фойдаланишга топширилган тўртинчи блокида юз берган фожеа оқибатида келиб чиққан ёнғин икки ҳафта давом этди. Ўшанда атмосферага катта миқдорда радиоактив маҳсулотлар чиққан. Фожеадан аввал тўртинчи блок реакторида 180—190 тоннага яқин ядро ёқилғиси (уран диоксиди) борлиги айтилади. Тахминларга қараганда, ўшанда унинг 5 фоиздан 30 фоизгача бўлган қисми ҳавога тарқалган. Инсонларнинг ҳалок бўлиши, зарар кўриши ва иқтисодий талофатлар бўйича мазкур фожеа атом энергетикаси тарихидаги энг йирик ҳодиса бўлгани тан олинади. Чернобиль атрофида истиқомат қилувчи аҳоли Хиросимада юз берган атом фожеасидан 90 баробар кўп зарар кўрди. Умумий ҳисобда 160 минг квадрат километр худуд заҳарланди. Ёнаётган реактордан чиққан тутун нафақат Украина, балки Россия, Беларусь, Европанинг шарқий қисмини ҳам "эгаллаб" олди.

Фалокат ҳудудидан 400 мингга яқин киши хавфсиз жойга кўчирилди. 27 апрель куни 10 километрлик, эртаси куни эса 30 километрлик ҳудудда жойлашган аҳоли пунктларида истиқомат қилувчилар эвакуация қилинди. Уларга ҳар қандай буюмни олиш тақиқланди — ҳатто болалар ўзларининг севимли ўйинчоқ ва қўғирчоқларини олиши мумкин эмасди. Одамлар бир сидра кийим-бошинигина олиб, уйларини тарк этишга мажбур бўлди. Аҳоли ўртасида ваҳима келиб чиқишига йўл қўймаслик мақсадида уч кундан кейин уйларига қайтишлари мумкинлиги айтилди. Бироқ уларга фожеа вақтида ўзларини қандай тутишлари ҳақида бирор аниқ маълумот ёки тавсия берилмади.

Хорижий оммавий ахборот воситалари одамлар ҳаёти учун катта таҳдид пайдо бўлгани тўғрисида хабарлар тарқата бошлади. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига ёпирилиб келаётган заҳарли булутлар оқими харитаси намойиш этилди. Фожеа ҳақида собиқ иттифоқ матбуотида воқеадан икки кун ўтиб расмий хабар пайдо бўлди. Яъни, 28 апрель куни "Чернобиль атом электростанциясида фожеа юз бергани, битта атом реактори зиён кўргани, фожеа талофатларини бартараф этиш чоралари кўрилаётгани, жабрдийдаларга ёрдам кўрсатилаётгани, ҳодисани ўрганиш мақсадида махсус ҳукумат комиссияси тузилгани" ҳақида мухтасар хабар тарқатилди.

Орадан анча ўтиб, фалокатдан кейинги уч ой мобайнида 31 киши ҳалок бўлгани, радиация оқибатида вафот этганлар сони 15 йил мобайнида 80 кишини ташкил этгани, 134 фуқаро турли касалликка чалингани маълум қилинди. Бироқ 2005 йил Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эълон қилган маълумотларда фожеа оқибатида 4 мингга яқин одам ҳалок бўлгани айтилади. Бироқ Гринпис ва Халқаро "Шифокорлар ядро урушига қарши" ташкилоти талофатни бартараф этишда иштирок этганлар орасида қурбон бўлганлар сони 10 мингтани ташкил қилиши, Украинага қўшни Европа мамлакатларида эса 10 мингга яқин носоғлом чақалоқ туғилгани ҳақида далил келтиради.

Манбаларда айтилишича, талофат аслида бундан-да аянчли бўлиши мумкин эди. Аммо ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар натижасида унинг оқибати кенгайиб кетишининг олди олинди. Фожеа талофатларини бартараф этишга 600 мингдан ортиқ киши жалб қилинди. Жумладан, ҳарбийлар ҳам ҳалокатни бартараф этишда иштирок этди. Кейинчалик улар "бартараф этувчилар ("ликвидаторлар") дея аталди. Шу ўринда ёнғинга қарши курашда жонбозлик кўрсатган майор Леонид Телятников жасоратини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бутун маъсулиятни ўз зиммасига олган ушбу инсон кейинчалик Буюк Британияда ўтказилган тиббий амалиёт натижасида тирик қолди. Айнан унинг саъй-ҳаракати билан ёнғиннинг кенг тарқалишига, тўғрироғи аланганинг 3-блокка ўтишига йўл қўйилмади. Тўғри, оддий аҳоли вакиллари ҳам қараб тургани йўқ. Хайрия мақсадида махсус очилган "904" ҳисоб-рақамида ярим йил давомида 520 миллион рубль тўпланди (тахминан 520 миллион АҚШ долларига тенг). Шундан бери ҳар йили 26 апрель куни Украинада радиациявий ҳалокат ва фожеа қурбонлари хотираси ёдга олинади.

Чернобиль фожеасидан хулоса чиқарган бир қатор давлатлар эҳтиёт чорасини кучайтирди. Атом электр станцияларини текширишда масъулият ортди. Муддатини ўтаб бўлган атом электростанциялари беркитила бошланди. 2003 йилнинг декабрь ойида БМТ Бош ассамблеяси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги раҳбарларининг 26 апрель — радиация фожеаси ва ҳалокати қурбонларини ёд этиш куни, деб эълон қилиниши борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Рангин дунё

ТЎПҚОПИ — ТУРКИЯ ЖАВОҲИРИ

Туризм Туркия иқтисодиёти ривожида муҳим ўрин тутади. Бу тармоқ, айниқса, сўнгги ўн йилда тараққий топиб, айни пайтда салкам икки миллион киши шу соҳа билан банд. Ҳозирда мазкур мамлакат туризм йўналиши бўйича жаҳонда олтинчи ўринда туради.

Туркияда диққатга сазовор туризм манзиллари (масалан, қадимги грек ва рим шаҳарлари вайроналари, Византия ва Усмонийлар халифалиги даврига оид ёдгорликлар) жуда кўп. 2023 йилга бориб мамлакатга ҳар йили ўртача 50 миллион сайёҳ келишини таъминлаш мақсадида айни пайтда 281 лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Бу, давлат хазинасига туризм соҳасидан ҳар йили ўртача 50 миллиард АҚШ доллари тушишини англатади. Шу боис ҳукумат туризмга тўсиқ бўладиган ҳар қандай кўринишга қарши кескин чора-тадбирлар кўриб келади. Бундан кўзланган асосий мақсад — сайёҳлик бизнеси бўйича жаҳонда бешинчи ўринга чиқиш.

Сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган манзиллардан бири, шубҳасиз, Истанбул шаҳри саналади. Бу ерда ҳам Византия, ҳам Ислом маданияти даврига оид ёдгорликлар кўп.

Қадимий ва мафтункор Истанбул шаҳрининг диққатга сазовор жойларидан бири Тўпқопи сарой-музейидир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 26 октябрь куни Туркияга ташрифи чоғида Истанбулдаги Тўпқопи саройида ҳам бўлиб, унинг тарихи ва музейдаги қадимий экспонатлар билан танишди. "Тўпқопи" — ўзбек тилига ўгирганда "тўпли дарвоза", деган маънони англатади. Мажмуага бу ном султон ҳар гал саройдан чиққан ва кирганда тўп отилгани боис берилган.

Тўпқопи саройи билан Султон Аҳмад ва Муқаддас София масжидлари ёнма-ён жойлашган. Саройда бир пайтлар 4-5 мингга яқин киши истиқомат қилган. Маросимлар ўтказилганда 10 мингга яқин киши жойлашган. Ошхонада бир вақтнинг ўзида мингга яқин ошпаз ишлаган. Ана шу ошхона айни пайтда хитой, япон ва турк чиннилари ҳамда Венеция ойналари музейига айлантирилган. Сарой жавоҳирлари эса Махмуд Фотих қароргоҳида намойиш этилади.

Тўпқопи саройи 1453 йилда Константинополь турклар томонидан забт этилганидан сўнг қурила бошланган ва 1479 йилда битказилган. Сарой ўтган давр мобайнида бир неча бор реконструкция қилинган, кичик қурилиш ишлари олиб борилган.

Тўпқопи саройи мажмуасини икки томондан денгиз суви ва бошқа икки томонини эса "Сур-и Султани" деб номланган девор ўраб туради. Мажмуа "авлу" ("ҳовли") деб номланувчи бир нечта саройга бўлинган. Биринчи сарой уч томонидан баланд девор ва миноралар билан ажратилган. Босфор кўрфази томонга қаратиб қурилган нисбатан пастроқ деворнинг бир қисми вайронага айланган. Мажмуанинг ички деворлари қадимда қандай бўлса, шундайлигича сақланиб қолган. Бир пайтлар темир йўл вокзалининг қурилиши ҳам Тўпқопи деворларининг қисман бузилишига сабаб бўлган. "Bab-i Humayum" ("Ҳумоюн дарвозаси") саройнинг ҳам асосий, ҳам қадимий дарвозаси саналади. Султон ва сарой амалдорлари ана шу дарвоза орқали намоз вақти Муқаддас София масжидига ўтган.

Айни пайтда саройнинг умумий майдони 700 минг квадрат метрни ташкил этади. Манбаларда айтилишича, турк султонлари йиллар давомида турли ҳарбий юришлардан қимматбаҳо буюмларни қўлга киритиб қайтган. Айни пайтда бу ерда 10 минг 700 дона осори-атиқа сақланади. Жаҳоннинг энг машҳур музейларидан бири ҳисобланган Тўпқопи сарой-музейида қадимий қўлёзмалар, хитой ва япон чиннилари, қурол-яроғлар, султонларнинг кийим-боши каби қимматбаҳо ва ноёб маданият бойликлари кўз қорачиғидек асраб келинмоқда. Музей коллекцияси бугунги кунда Шарқ чинни идишлари бўйича Пекин ва Дрезден музейларидан сўнг учинчи ўринда туради.

Музейда пайғабаримиз Муҳаммад (с.а.в)га тегишли муқаддас ашёларни (олтин шамшир, камон, қаҳрабодан ишланган муҳр, кумуш тахтиравон ва бошқалар) 1517 йили Мисрни фатҳ қилган Султон Салим I олиб келган. Ҳар йили рамазон ойида Муҳаммад (с.а.в)нинг муқаддас буюмлари сақланадиган жойни зиёрат қилиш турк ҳукмдорлари учун анъана бўлган. Бундан ташқари музейда чаҳорёрлар — Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али (р.а) ҳамда муқаддас Каъба дарвозаси калитлари ҳам сақланади.

Музей коллекциясидан ўрин олган 86 каратга тенг 49 та олмос билан безатилган "Қошиқчи" номли бриллиант тақинчоқ ҳам сайёҳлар эътиборидан четда қолмайди. Наполеон Бонопартнинг онасига тегишли экани тахмин қилинадиган ушбу заргарлик маҳсулоти учта ёғоч қошиқ эвазига сотиб олингани учун ҳам шундай номланган.

Тўпқопида сақланаётган ханжарнинг ўзига хос тарихи бор. Ривоятларга кўра, у Султон Маҳмуд I томонидан Эрон шоҳига совға сифатида тайёрланган. Элчилар уни олиб кетишаётганида Эрон шоҳининг вафот этгани ҳақида хабар келади ва улар ортга қайтишга мажбур бўлади...



Кўргазмалар залидан бир нечта тож ҳам ўрин олган. Улардан бири соф олтиндан ясалган бўлиб, Эрон шоҳи Исмоилга тегишли, уни Султон Салим I зафарли юришларида Истанбулга олиб келган. Яна бир тож Султон Салим IIIга тегишли. "Байрам" тожидан эса султонларнинг тахтга чиқиш вақтида фойдаланилган.

Музейда фил кўринишидаги олтин сандиқ, жаҳонда энг йирик деб айтиладиган 3260 граммлик зумрад, янги туғилган шаҳзодаларга мўлжалланган олтин беланчак, соатлар коллекциялари ҳам сақланади.

Ички саройдан ўрин олган султонлар ҳаммомида султонлар либослари коллекцияси намойиш қилинади. Бу ерда қимматбаҳо тошлар билан безатилган салла ва тожларни томоша қилиш мумкин. Тўпқопида султонларнинг ҳаётлик вақтида чизилган расмлар коллекцияси ҳам мавжуд.

Музей-мажмуага болалар аравачаси билан кириш, муқаддас буюмлар сақланадиган бўлимларга эса шортик-майка, калта юбка, ярим-яланғоч кийимларда кириш тақиқланади. Бу ерда бир нечта китоб дўкони ҳам бор.

Мажмуанинг учинчи ҳовлисида султон саройи ва ҳукумат идораларида хизмат қилувчи ҳарбийларни тайёрлаш учун яничарлар (ҳарбийлар) мактаби фаолият юритган. "Олтин панжара" деб аталадиган бинода асосан тахт ворислари истиқомат қилган. Шаҳзодалар 18 ёшга қадар саройда тарбияланиб, кейинчалик мамлакатнинг турли вилоятларига юборилган.

Салкам 400 йил (1465-1853) давомида 25 турк султони ана шу қароргоҳ — Тўпқопи саройидан туриб мамлакатни бошқарган. Ҳар бир султон ўз даврида турли сабаб билан саройнинг қайсидир жойини таъмирлаган. Шу сабабли у бири-биридан девор билан ажратилган тўрт ҳовлидан иборат кўринишга келган.

Истанбулнинг тарихий маркази "Сарой бурни" (Sarayburnu) деб аталадиган ярим оролда жойлашган Тўпқопи саройи XIX аср, аниқроғи 1854 йилда Босфор соҳилларида европалик меъморлар иштирокида 285 хона, 46 зал ва галерея, 6 та ҳаммомдан иборат "Дўлма боғча" номини олган сарой қурилганидан сўнг қароргоҳ вазифасини ўтамаган. Чунки ўша йили султон Абдул-Мажид I Тўпқопини тарк этиб, ўзи учун қурилган "Дўлма боғча"га кўчиб ўтади.

Туркиянинг биринчи Президенти Мустафо Камол Отатурк фармонига биноан Тўпқопи сарой-мажмуаси 1924 йилдан бошлаб музейга айлантирилди. Музей-мажмуа ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Кириш учун чипта нархи 10 доллар қилиб белгиланган. Шунингдек, саройнинг айрим ҳудудларига кириш учун қўшимча алоҳида чипта сотиб олиш керак бўлади. Бу ердан йил-ўн икки ой сайёҳлар қадами узилмайди.

Саҳифани
Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ тайёрлади

Ҳунармандларимиз

ОТАМЕРОС ҲУНАРДА ҲИКМАТ КЎП

Кулолчилик қадим-қадимдан аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган қадриятларимиздан бири саналади. Бунга юртимиз ҳудудидан топилган, асрлар сир-синоатини ўзида мужассам этган ашёвий далиллар яққол гувоҳлик бериб турибди.

...Маҳмуджон Мамажонов кулоллар сулоласининг бешинчи авлоди, эл назарига тушган уста. Сулоладан сулолага ўтиб шаклланиб, сайқал топиб келаётган ҳунарда ҳикмат кўп. Ота-боболар йўлини давом эттириш, улар қолдирган анъаналарга содиқ қолиш сулола вакилининг зиммасига катта масъулият юклайди.

Асли андижонлик уста-кулол бугун пойтахтда фарзандлари ва шогирдлари эъзозида умргузаронлик қилмоқда. Устанинг хонадони йил бўйи шогирдлари, амалий санъат ихлосмандлари ва сайёҳлар билан гавжум. Шу соҳага қизиққан сайёҳ борки, устанинг ижод намуналаридан баҳраманд бўлмай кетмайди. Унинг меҳнати маҳсули — лойдан ясалган мўъжизакор ва нафис буюмлар ҳар қандай кишини ҳайратга солиши табиий.

Лойнинг мўъжизакор қувватини ҳис қилган, дастлаб оддий коса, лаган, кўза, хум каби сопол буюмлар ясаб юрган уста йиллар ўтиши билан камолга етди. 1982 йили Тошкент метрополитенининг Ойбек метро бекати безак ишлари бўйича республика миқёсида танлов эълон қилинди. Уста-кулол бу хабарни эшитиб, ўзгача завқ билан ишга киришади. Кобалт, мис, аллюминий сингари қимматбаҳо металлар ёрдамида ижодий композиция яратади. Унинг композицияси бадиий кенгаш аъзоларига маъқул келиб, ижодий иш тасдиқдан ўтади. Устанинг қадоқ қўллари билан асл санъат намунаси сифатида тобланган металлар бадиий безак кўринишида ҳамон ял-ял ёниб турибди.

— Заминимиз унумдор ва саховатли. Унинг бағридан олинган тупроқ ва сув қоришмасидан турли-туман бежирим буюмлар ясаш мумкин, — дейди уста-кулол Маҳмуджон Мамажонов. — Ҳунаримизни ҳозир фарзандларим, шогирдларим давом эттираяпти. Ҳунармандлик бизга бобомерос, отамерос. Ота томондан кулол, она томондан хаттотлар авлодига бориб тақаламиз. Ушбу икки мўътабар ҳунар сулоладан сулолага ўтиб келаяпти. Бобом доим "бўлсанг энг олди уста бўлгин, йўқса, ҳунарни шунчаки эрмак қилма", деб уқтирарди. Бугун мана шу ҳикматни мен ҳам фарзандларимга уқтириб келаяпман. Мен ва фарзандларим шу ҳунарнинг бошини тутиб кам бўлмадик...

Мустақиллик йилларида ҳунарманд фаолияти кенг миқёсда ривожланди. Бунда мамлакатимизда ҳунармандларга яратилган ҳар томонлама қулай шарт-шароит ва имтиёзлар кенг имкон яратди. Бугун пойтахтимиздаги замонавий ва миллий архитектура намунаси сифатида қад ростлаган бир қатор мажмуалар безак ишларида устанинг меҳнати маҳсулини кўриш мумкин. Жумладан, Ҳазрати Имом мажмуаси, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи, Ўзбекистон давлат консерваторияси биносининг безак ишларида Маҳмуджон Мамажоновнинг "нафаси" уфуриб турибди. "Қатағон қурбонлари хотираси" музейининг пештоқи, сервиқор эшиклари ва деворларидаги устанинг ижоди маҳсули бўлган безаклар кўрган кишини ҳайратга солиши табиий. Бир қарашда оддий туюлган нақш ва безаклар Маҳмуджон Мамажоновнинг тасаввур ва ҳаёлот оламидан сўз очади.

— "Қатағон қурбонлари хотираси" музейининг безак-пардозлаш ишлари бўйича ўтказилган танловда бизнинг ижодий ишлар танлаб олинди, — дейди уста-кулол. — Билдирилган ишончни тўла оқлаш, қолаверса, юртимиз истиқлоли учун жон фидо этган жадидчи боболаримиз руҳини шод этиш мақсадида фарзандларим билан туну кун меҳнат қилдик, изландик. Тасаввур оламимдаги чизгилар нақш ва безакларга кўчди. Унда асосан маҳобатли кулолчилик анъанасининг негизи бўлган мовий, оқ, яшил ва жигарранг уйғунлигидан фойдаландик. Мовий — мусаффолик, яшил — ёшлик, ҳаракат, оқ — тинчлик, поклик, жигарранг — меҳнат, сариқ ранг — бойлик каби рамзий маъноларга эга. Ушбу рангларда жилоланган нақш ва безаклар аждодларимизга бўлган ҳурматимиз, эҳтиромимиз мустаҳкамлигидан далолатдир.

Маҳмуджон Мамажонов ҳар йили юртимиз бўйлаб кенг миқёсда нишонланадиган Мустақиллик, Наврўз шодиёналарида ташкил этиладиган кўргазмаларда мунтазам қатнашиб келади. Тасвирий ва амалий санъат ҳафталиклари, фестивалларнинг ҳам фаол иштирокчисидир. 2006 йил Наврўз байрами сайилларида ташкил этилган кўргазмада Биринчи Президентимиз Ислом Каримов билан бўлган суҳбат уста-кулол ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолди. Айнан шу йили "Ўзбекистон халқ устаси" унвонига сазовор бўлиши унга янги куч-ғайрат, ижодий илҳом бахш этди.

Бугунги кунда уста-кулолнинг икки фарзанди Воҳиджон ва Абдувосит ота изидан бориб, кулолчилик сирларини пухта ўзлаштириб келаётир. Катта ўғли Воҳиджон ҳам 2012 йилда "Ўзбекистон халқ устаси" деган шарафли унвонга сазовор бўлди. Уста-кулолнинг меҳнати зое кетмади, унинг ҳунари фарзандлари фаолиятида ҳам ўз мевасини бермоқда.

— Отам бизнинг кулолчиликка бўлган қизиқишимизни ёшлигимиздан тўғри баҳолай олган, — дейди Воҳиджон Мамажонов. — Дастлаб фақат лой билан ишлашимизни талаб қиларди. Кун келиб тушуниб етдимки, у киши тўғри йўл тутган экан. Отамнинг ўгитлари, ҳунарининг сир-асрорини пухта ўргатиши, ҳунар ортидаги машаққатли меҳнат бугун ўз самарасини бераяпти. Мен ҳам устоз бўлиб ота-боболаримиз ҳунарини давом эттираётганимдан фахрланаман. Шогирдларимга ҳам ҳунарим сирларини худди отам каби қаттиққўллик, сабр ва, албатта, меҳр билан ўргатяпман. Уларга бот-бот такрорлайдиган гапим: "сабрнинг таги — сариқ олтин". Ҳақиқатдан ҳам сабр билан қилинган ишда ҳикмат кўп.

Маҳмуджон ака бошчилигидаги Мамажоновлар сулоласи чет эл давлатларида ташкил этилган қатор фестиваль ва кўргазмаларда ўз ижодий ишлари билан муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Жумладан, Тайланд, Германия, Чехия, Болгария, Малайзия, Хитой каби санъат юқори қадр топган дунё мамлакатларида ташкил этилган халқаро кўргазмаларда ўзбек кулолчилигининг ёрқин намуналари билан муносиб иштирок этди. Чет эллик харидорларнинг уста-кулол ишига қизиқиш билдиргани, шахсий коллекцияларига кулолчилик буюмларидан харид қилишгани устанинг беназир истеъдодидан далолат беради.

— Ҳар бир ишнинг ўзига яраша машаққати бор, — дейди уста-кулол Маҳмуджон ака. — Кулол қўлига лой олиб чархга ўтирдими, демак, фойдали нарса ясалиши керак. Ана шундагина ҳунарманд зиммасидаги масъулиятини бажарган бўлади. Ҳозирда "устоз-шогирд" анъанаси асосида етиштирган шогирдларимиз дунёнинг турли мамлакатларида фаолият юритяпти. Бугун ҳунар эгаллайман, аждодларим йўлини давом эттираман, деган ёшларга барча имконият яратилган. Ҳар бир истеъдод эгасининг ижоди қўллаб-қувватланмоқда.

Меҳнат инсонни улуғлайди, деганларидек Маҳмуджон Мамажонов сингари қўли гул ҳунармандларимиз меҳнатини халқимиз ҳамиша қадрлаб келган. Шу боис боболардан фарзандлару набираларга мерос бўлиб келаётган, аждодларимиз ардоқлаган бебаҳо ҳунармандчилик тури ҳисобланган кулолчилик асрлар оша такомиллашиб бораверади.

Нигора НИШОНБОЕВА,
Сардор МУЛЛАЖОНОВ (фото),
"Milliy tiklanish" мухбирлари

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Баҳор келиши билан инсонда ҳолсизлик, чарчоқ аломатлари пайдо бўлади. Буни бартараф этишда қўзиқорин беминнат ёрдам бериши мумкин.

ҚЎЗИҚОРИН ИММУНИТЕТНИ КУЧАЙТИРАДИ

Маълумотларга кўра, фиръавнлар даврида қўзиқорин "илоҳлар таоми" саналган. Мисрликлар унга ҳаёт абадийлиги рамзи сифатида қараган. Шу боис қўзиқоринни ейиш ҳуқуқи фақат фиръавнларга берилган, оддий халқнинг унга тегиши қатъиян тақиқланган. Масалан, Жорж IVнинг Лондондаги саройида қўзиқорин ўстириш учун алоҳида жойи бўлган.

Қўзиқорин таркиби турли витамин, темир, калий, фосфор ва цинк моддаларига бой. Шу боис у кўпроқ парҳез тутадиганлар учун тавсия этилади. Шакар ва ёғ моддаси умуман мавжуд эмас. Қандли диабетга чалинган беморлар уни бемалол истеъмол қилиши мумкин. Таркибидаги цинк моддаси иммунитетни кучайтиради. Қўзиқоринниг бошқа озуқалардан ажралиб турадиган ўзига хос хусусияти шундаки, уни турли сабзавотлар билан бирга қовуриб, димлаб, ё бўлмаса, консерваланган ҳолда истеъмол қилганингизда ҳам ўзидаги барча фойдали хусусиятларни сақлаб қолади.

Диетологларнинг айтишича, қўзиқоринда Б гуруҳ витаминлар янги сабзавотникидан анча кўп. Рибофлавин ва витамин $Б_2$ эса бош оғриғини камайтиради, пантотен кислотаси танадаги чарчоқдан фориғ этишда асқотади.

Албатта, ҳар бир маҳсулотни истеъмол қилганда меъёрга амал қилган маъқул. Қўзиқориннинг ортиқча ёки ноўрин истеъмоли ҳам баъзи кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкин. У, энг аввало, инсон терисининг ташқи кўриниши ва организмнинг моддалар мутаносиблигига таъсир кўрсатади.

Юртимизда қўзиқориннинг 200 дан ортиқ тури мавжуд. Бироқ шундан атиги 25 тури истеъмолга яроқли. Айрим қўзиқоринлар таркибида гелвелат кислотаси, фаллотоксин, амминотоксин каби бир қанча заҳарли моддалар мавжуд бўлиб, улар ювилганда ҳам, ишлов берилиб, қовурилганда ҳам йўқолиб кетмайди. Шу сабаб уни фақат савдо дўконларидан харид қилган маъқул.

Маҳлиё УМРЗОҚОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Таълим масканида

МУСИҚИЙ МЕРОСИМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ

Мусиқа инсон туйғулари, руҳий кечинмаларини ифодалайди, миллий гурур, ватанпарварлик туйғуларини уйғотади. Шу боис мамлакатимизда ёш авлоднинг санъат турларига қизиқиши ва қобилиятини, ижтимоий фаоллигини ошириш, ўзбек халқ анъаналари ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавий савиясини ҳар томонлама юксалтириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги тасарруфида болалар мусиқа ва санъат мактаблари ташкил этилди.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган сурат.

Бундан асосий мақсад — ўқувчиларга умумий мусиқа, тасвирий ва рақс санъати билимларининг бошланғич асосларини ўргатиш, уларни санъат оламига етаклаш, жаҳон классик мусиқаси ва халқимизнинг мумтоз мусиқий мероси дурдоналари, устоз-шогирд анъаналари, фольклор асарлари, достончилик намуналаридан баҳраманд этишдан иборат.

Самарқанд вилоятида айни пайтда 26 болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларда таҳсил олаётган 5 мингга яқин ўғил-қизларга 950 нафардан зиёд педагог-мураббий санъат сирларини ўргатаётир. Мазкур мактабларда ташкил этилган мусиқа, рақс, чолғу асбоблари ва вокаль болалар ижодий жамоаларининг сони эса 40 дан ошади.

Самарқанд туманидаги 26-сон болалар мусиқа ва санъат мактабида 169 нафар ўқувчи мусиқа ва санъат сирларини қунт билан ўрганмоқда. Мактаб синф хоналари белгиланган мусиқий йўналишда таълим бериш учун чолғу асбоблари ва зарур жиҳозлар билан таъминланган.

— Мусиқа ва санъат мактабимизда ўқувчиларга 8 та йўналиш бўйича сабоқ беряпмиз, — дейди мактаб директори Умиджон Шарипов. — Мактабимиз зарур мусиқа асбоблари, замонавий ва мумтоз асарлар тўпламлари, ўқув қўлланмалар ва замонавий компьютер жамланмалари билан таъминланган. Бу эса ўқувчиларнинг ҳам билим олиши, ҳам республика ва халқаро даражада ютуқларга эришишида асосий омил бўлмоқда. Масалан, хореография йўналиши бўйича таҳсил олаётган 5-синф ўқувчиси Шаҳло Қудратова Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган "Окно в Европу" фестивалида 2-ўринни эгаллади. Анъанавий чолғу ижрочилиги бўлимининг 4-синф ўқувчиси Жасур Ахтамов Мухиддин Қори Ёқубов хотирасига бағишланган республика ижодий кўрик-танловининг мамлакат босқичида 3-ўринни қўлга киритди. Мактабнинг "Файз" доирачилар ҳамда хореография йўналишидаги "Камалак" рақс ансамблари "Камалак юлдузлари" кўрик-танловининг вилоят босқичида биринчи ўринга сазовор бўлиб, республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этди: доира йўналишида сабоқ олаётган 5-синф ўқувчиси Самандар Жўрабоев, фортепиано йўналиши бўйича 5-синф ўқувчилари Ферузабону Қувондиқова ва Ойша Негматова 1-ўринни эгаллади. Анъанавий хонандалик йўналиши ўқувчилари Паризода Алимова 2-ўрин, Ворис Эгамқулов эса 3-ўринга лойиқ деб топилди.

Албатта, ҳар қандай ютуқ ва муваффақиятга осонликча эришиб бўлмайди. Инчунун, санъатда ҳам. Бунга тинимсиз изланиш, заҳматли меҳнат натижасида эришилади. Мактаб ўқувчиларининг қобилияти ҳам йиллар давомида сайқалланиб боради. Бунда, албатта, устознинг ўрни ва хизмати беқиёс.

— Мусиқа таълими болаларда ижобий фазилатларни шакллантиради, — дейди мактаб ўқитувчиси Муқаддас Собирова. — Билим масканимизда фортепиано синфида 30 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Ўқувчиларимиздаги санъатга бўлган қизиқиш, интилиш ва истеъдодни кўриб ич-ичимдан қувонаман. Уларнинг барчаси тинимсиз меҳнат қилса, изланса, ўз устида қунт билан ишласа, келажакда халқимиз кўнглидан муносиб жой оладиган санъат усталари бўлиб етишади. Биз устозлар фаолиятимизни айни шундай мақсадга йўналтирганмиз.

26-болалар мусиқа ва санъат мактаби жамоаси ота-оналар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Жамоа эришаётган ютуқлар аслида, маҳалла — мактаб — ота-она ҳамкорлиги меваси, десак муболаға бўлмайди. Ота-оналар билан доимий мулоқот, мунтазам ҳамкорлик ва ҳамфикрлилик ўз натижасини бераётир.

— Ўғлим Ворисжон 13 ёшда. Санъатга бўлган қизиқиши ниҳоятда баланд, — дейди Хуршида Бойматова. — Уйимизга яқин жойда болалар мусиқа ва санъат мактабининг очилиши биз учун айни муддао бўлди. Фарзандимни шу даргоҳга олиб бориб, ўз қизиқиши бўйича таълим олишида қўлимдан келгунча ёрдам бериб келаяпман. Ўғлимнинг келажакда элимиз, юртимиз корига ярайдиган етук санъаткор бўлишини истайман.

Дарҳақиқат, ёш авлод қалбида эзгулик ва бунёдкорликка интилиш ҳиссининг камол топишида мусиқа санъатининг ўрни беқиёс. Бугун ўғил-қизларимиз учун яратилган қулай шарт-шароит ва кенг имкониятлар уларнинг санъатга қизиқишларини янада ошириб, ота-боболаримиз меросини улуғлаш, келгуси авлодларга етказиш, мамлакатимиз довруғини дунё саҳналарида намойиш этишга замин яратади.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТУРФА ОЛАМ

ЎСИМЛИКЛАР ҲАТТО 20 ЙИЛ "УХЛАШИ" МУМКИН

Олимлар 24 оилага мансуб 114 турдаги ўсимликлар ноқулай шароит сабаб "уйқу"га кетиши ёки фотосинтезсиз яшаши мумкинлигини аниқлашди. Улар бундай вазиятда қулай шароит юзага келишини кутиб, ер остида ҳатто 20 йил жон сақлайди.

Аниқланишича, айрим ўсимликлар атроф-муҳитни — мавжуд шароит уларнинг яшаб қолиши учун мос келиш-келмаслигини таҳлил қилади. Улар учун ўтхўр ҳайвонлар, иқлим ўзгариши асосий хавф саналади. Агар мавжуд вазият ўсимлик учун муқаррар хавф туғдирса, улар ер остига кириб кетади.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бундай ўсимликлар сафига биринчи галда орхидеялар оиласи киради. Чунки мазкур оилага мансуб ўсимликлар "яшаш" учун қулай шароитни кутиш мақсадида хатто ривожланишни маълум муддатга тўхтатиб туриш қобилиятига ҳам эга. Бу, ўз навбатида, турларнинг сақланиб қолишига ҳам хизмат қилади.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

"Миллий тикланиш" газетаси таҳририяти жамоаси таҳририят мухбири Умида Узоқовага падари бузургвори

Иргашали УЗОҚОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САЙДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 416, Адади — 7840. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Нигора НИШОНБОЕВА
Навбатчи: Мухторбек АБДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 23.10. Топширилди — 00.40.
ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12 456